

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ
ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқукида
УДК**

КАРАБАЕВ РАҲМАТИЛЛА АБДУСАТТАРОВИЧ

**МАВЗУ: ШАРҚ ВА ҒАРБ ХОРДИҚ МАДАНИЯТИ
ТАҲЛИЛИ**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация иши**

**Илмий раҳбар: Бекмуродов М.
с. ф.д., профессор**

Тошкент 2014.

МУНДАРИЖА

Кириш

I. Боб. Шарқ ва ғарбда хордиқ маданиятининг шаклланиш тарихи

1.1. Шарқ хордиқ маданиятининг шаклланиши ва унинг мазмун моҳияти.

1.2. Ғарбда кичик шаклдаги оммавий томошалар хордиқ чиқаришнинг бир тури сифатида

I боб бўйича хулоса

II. Боб. Шарқ ва ғарб хордиқ маданиятининг ривожланиш босқичлари ва уларнинг таҳлили

2.1. Ғарб ёшларининг бўш вақтлари “Оммавий маданият” таъсири билан тўлиқ қамраб олинаётганлиги

2.2. Шарқ хордиқ маданиятининг ўзига хослиги

II боб бўйича хулоса.

III. Боб. Маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг аҳоли хордиғини ташкил этиш бўйича фаолиятлари

3.1. Маданий-маърифий муассасаларнинг шахсни ривожлантиришдаги имкониятлари

3.2. Маданий-маърифий муассасаларда ёшларнинг маданий-хордиқий тадбирларини уюштириш масалалари.

III боб бўйича хулоса.

Хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар.

Иловавлр.

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги: Ривожланган мамлакатларнинг барчасида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда маданий-маърифий муассасалар катта рол ўйнайди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда маданий-маърифий муассасалар айниқса, маданият уйлари, маҳалла гузарлари, спорт иншоотлари, кутубхоналарнинг имконияти катта. Ўқув юртлари асосан, болаларга билим, таълим бериш билан шуғулланса, маданий-маърифий муассасалар уларнинг бўш вақтини мароқли ўтказиш билан бир қаторда уларни маънавий, ахлокий, руҳий жиҳатларидан озиқлантириб тарбия беради. Демак, ёшлар маънавий барқарорлигини йўлга солиш, уларнинг шахс сифатида етуклик касб етиши келажақда улкан вазифаларни амалга оширишида маданий-маърифий муассаса раҳбарлари, ходимлари ва мураббийларнинг роли беқиёсдир. Чунки ёшларнинг бўш вақтида ихтиёрий тарзда, ўз қизиқишлари, истеъдоди ва қобилиятларига яраша ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланишларини ташкил этиш ва уни уюштириш маданий-маърифий ходимларнинг мураббийлик маҳорати ва билимга боғлиқлигидир.

Баркамол авлодни тарбиялашда маданий-маърифий муассасаларнинг аҳамияти ва ўрни беқиёсдир. Бу муассасалар омманинг ижтимоий-сиёсий, бадиий ҳаваскорлик ижодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг маданий дам олишини ташкил этиш омиллардан биридир¹.

Маданий-маърифий муассасалар меҳнаткашларининг маданий дам олиши, ҳордиқ чиқариши, бир-бирлари билан муносабатда бўлиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, ҳар кишини ўз қизиққан соҳаси билан шуғулланиши маркази ҳисобланган маданий-маърифий муассасалар асосан қуйидаги турларга бўлинади: кутубхоналар, маданият масканлари, кироатхоналар шулар жумласидан демакдир. Маданий ва маърифий

1

марказларига республика, шаҳар, туман, вилоят, маҳалла гузарлари, маданият уйлари ва маданият саройлари киради.

Музейлар тарихий, ўлкашунослик, табиат, санъат ва турли илм ҳамда касб-кор, шон-шухрат музейлардан иборатдир.

Турли миллатларнинг меҳнаткашлари ўртасида маданий-маърифий ишларни уюштиришда энг аввало уларнинг тилини, ўзига хос хусусиятлари, руҳиятини, турмуш тарзини, анъаналарини, урф-одатларини, маросимларини ҳисобга олиш жуда ҳам муҳимдир.

Маданий-маърифий муассасалар олдида қўйилган вазифалар ва талаблар тарихий жараённинг ривожланиши натижасида вужудга келди ва мустақил мамлакатимизда бозор иқтисодиёти, халқ хўжалиги, фан, техника, маданият, оммавий ахборот воситалари, санъатнинг гуруҳлаб ривожланиши натижасида янада такомиллашиб бормоқда.

Маданий-маърифий ходим олдида омма ўртасида билим тарақатиш, одамларни маънавий эҳтиёжларини қондириш, қобилияти ва истеъдодларини ўстиришда уларга ёрдам бериш, меҳнатсеварларни моддий ҳордиқ чиқаришини уюштириш каби вазифалар қўйилган.

XX аср бошларида Э.Б. Тейлор бу ҳақда шундай деган эди: «Маданият бу инсоннинг жамият аъзоси сифатида анъаналар, расм-русумлар, билимлар, эътиқодлар, ахлоқ, санъат, қонунларни ўзлаштиришидир¹».

Маданиятга фаолият сифатида ёндашиш қуйидаги қоидаларда ўз ифодасини топади: «Маданият инсон томонидан ўз-ўзини ва борлиқни қайта қуришдан иборат фаолият демакдир». «Маданият инсоннинг моҳиятини ифодаловчи фаолият».

Технологик ёндашиш қуйидаги қоидаларда ифода этилади: «Мадания! кишилиқ тажрибаларини сақловчи, ривожлантирувчи ва авлодларга етказувчи воситадир», «Маданият фаолиятни амалга ошириш услубидир».

Маданият тушунчасини гуманистик ва мазмун жиҳатдан таърифловчи қоидалар қуйидагилардир «Маданият инсоннинг ижодий кучлари ва

қобилиятлари ривожланиши қонуниятлари ифодасидир». «Мадания! инсоннинг табиат ва жамият билан ўзига хос уйғунлашувидир»¹.

Маданият тушунчаси турли минтакаларда турлича негизларда таркиб топганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Ғарб мамлакатлари учун маданият тушунчаси «Культура» атамасидан келиб чиққан ва маъно хусусиятига кура «ер ҳайдаш», «ерни ишлаш» маъносини ифода этади. Бу эса маданият («культура») тушунчаси доирасига ерни ишлаш моҳиятидан келиб чиқувчи «шакллантириш», «ривожлантириш», «тарбиялаш» маъноларини ҳам киритишни тақозо этади. Шу йуналишда Ғарб халқлари мутафаккирлари «маданият-культура» тушунчаси мазмунидан келиб чиққан ҳолда унга кўпроқ инсон онги, интилишлари маҳсулининг қуринишлари сифатида тавсиф бериб келганлар. Худди шу негизда маданиятнинг «оммавий маданият», «ишлаб чиқариш маданияти», нормативлар (хулқ-атвор) маданияти, «Сиёсий маданият», «Ҳуқуқий маданият», «Меҳнат маданияти» ва ҳоказо қуринишлари махсус ўрганилиб келинади.

Ғарб талқинидан фарқ қилиб, Шарқ халқларида, хусусан, ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатларда маданият сўзи мадина атамасидан ҳосил бўлган бўлиб, «шаҳарлик», «шаҳарга хос» маъноларини англатган. Маданият атамасининг мазкур шакли яратувчилик, бунёдкорлик, ижодкорликка даъватдан кура инсонни муаян тартиботлар, турмуш тарзини қабул қилишга ундашни ифода этади. Табиийки, атамалар ўртасидаги мазмуний фарқлар халқларнинг тараққиёт даражаларига таъсир қилмай қолмаган. Европада «культура» - маданият ўзок, йиллар мобайнида, цивилизация» атамаси билан ҳам уйғунликда тушуниб келинди. Ҳолбуки, цивилизация тушунчаси маданият (культура) атамаси таркибидаги аجدодлар тарихи, ворисийлик, турмуш тарзи, хулқ атворлар тизими, бадиий-эстетик майллар, анъаналар, минталитетлар сингари омилларни ўзида тулиқ ифода этмайди.

Ҳозирги пайтда ёшларнинг бўш вақтини самарали, ижтимоий фойдали қилиб уюштириш махсус тадқиқотларга молик муаммолардан

бири бўлиб, у олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан жиддий эътиборни кутиб турибди. Бу борадаги маданий-маърифий муассасалар тажрибаси махсус ўрганишни, умумлаштиришни, таҳлил ва тарғиб қилишни талаб қилмоқда.

«Бўш вақт — ижтимоий бойлик» дейишади. У инсоннинг қобилиятларини такомиллаштириши, билим олиши, маънавий камол топиши, жисмоний ривожланиши учун хизмат қилади. Бўш вақтдан самарали фойдаланиш бу биринчидан, меҳнат унумдорлигини ошириш, иккинчидан, кишиларнинг ишда сарф бўлган кучини тиклаш, учинчидан, соғлиқни мустаҳкамлаш, руҳиятни тетиклаштириш демакдир. Шундай экан маданий хордиқ чиқариш ҳар бир даврда ҳам аҳамиятга эга бўлган ва бугунги кунда ҳам долзарблик касб этмоқда. Шарқ ва Ғарб хордиқ маданийтининг таҳлили жараёнида уларнинг ўз кадриятларига бўлган фикрларини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик.

Ғарб халқлари учун ҳар қандай муаммонинг ечимини манфаатлар ҳал этиши умумий қонуният ҳисобланади. Манфаатлар силсиласида иқтисодий манфаат айниқса устувор аҳамиятга эга. Инглиз менталитетини яхши билган машҳур давлат арбоби У. Черчилль «Англия тақдирини унинг доимий дўстлари эмас, балки доимо ўзгариб турувчи манфаатлари белгилаб келган» деган эди.

Ғарбдаги моддий, реал манфаатлар устуворлиги кадриятидан фарқ қилиб, Шарқ халқлари учун бош кадрият маънавий омиллар, айниқса, инсон шаъни, обрӯ-эътибори, нафсонияти, орияти, виждони ҳисобланиб келган. Маънавий талаблар эса ўз-ўзидан кадриятлар қаторини мутаносиблаштиришни, бирининг кетидан мантиқий равишда иккинчисини қўйишни тақозо этган¹. Хусусан, отага эҳтиром, она эъзози, ака ва ука ҳурмати, қавму қариндошлар тотувлиги, қўни-қўшнилар аҳиллиги кадриятлар сифатида муайян кетма-кетликда, кадрланиш даражасига кўра иерархик шаклда ҳаётдан ўрин олиб келган. Кадриятлар қаторидаги

1

тартибларнинг бўзилиши жамият ва давлат тартиботларининг сусайишига таъсир этган. Иерархия шарқ турмуш тарзининг маромини белгилаб турувчи мувозанат меъёри, энг асосий тамал тошларидан ҳисобланган. Иерархик тизим ҳамма жараёнларнинг ўз оқимида кечишига, пуртаналар юз бермаслигига кафолат вазифасини ўтаб келган. Бугунги кунда Ғарб маданиятидан ондоза оламан деб ўринаётган ёшларимиз ҳам йўқ эмас, ёшларни бу йўлларга адашиб кириб қолмасликлари учун ҳар бир катта авлод вакиллари маъсулдирлар. Маданият муассасаларининг ҳам энг биринчи мақсади ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш ва улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериши долзарб муаммолардани бири ҳисобланади. Республикамизда таълим соҳасидаги ўзгаришлар яъни “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги қонун”га асосланган ҳолда малакали кадрларни тайёрлаш ва таълим тизимини тубдан ўзгартириш борасида ҳукуратимиз томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»² Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қонунига мувофиқ “Шарқ ва Ғарб ҳордиқ маданияти таҳлили” магистрлик диссертацияси даражасида илмий тадқиқотга мавзу қилиб олинди. Айнан маншу мавзу юзасидан илмий ишлар қилинган бўлмасада. Шарқ ва Ғарб маданияти, Шарқ ва Ғарб байрамлари, мисолида бир қанча мақолалар, тўпламлар, ва ўқув қулланмалар нашрдан чиққан. Биз танлаган мавзу эса илм фанга кичик янгилик сифатида киритилиш ҳам мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқотнинг мақсади: Шарқ ва Ғарб хордиқ маданиятини таҳлил этиш билан бирга маданият муассасларида ёшларнинг маданий-хордиқий тадбирларининг самарадорлигин янада ошириш ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш ва уни амалиётда жорий қилиш ҳамда уларнинг фаолиятларини такомиллаштиришга эришиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Миллий менталитет ҳамда турмуш тарзи ўзига хосликларининг маданият ва санъат ривожига таъсирини ўрганиб чиқиш
2. Шарқ хордиқ маданиятининг мавжуд аҳолини ўрганиш ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашадиган тавсиялар ишлаб чиқиш.
3. Ёшларни ўзи қизиққан тўғаракларга жалб этиш ҳамда тўғаракларнинг шахсни шакиллантиришга таъсирини ўрганиш.
4. Шарқ ва ғарб хордиқ маданиятини таҳлил қилиш, маданият ва санъат ривожига таъсирини ҳамда ҳаёт ва фаолиятимизга қанчалик боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти: Шарқ ва ғарб хордиқ маданияти таҳлилинини юртимиздаги мавжуд маданият муассасалари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари орқали ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг предмети: Маданият муассасалари фаолияти ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнига таъсири, ижтимоий-психологик хусусиятлари, услуби ва шакллари белгиланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Шарқ хордиқ маданиятининг ўзига хослигининг маданият ва санъат ривожига таъсири этиш механизмларини аниқлаш, ғарбдан кириб келаётган айрим кўштирноқ ичидаги маданиятлардан ёшларни ҳимоя қилиш учун уларнинг буш вақтларини фойдали машғулотлар билан самарали ташкил этишда кўринадди.

Тадқиқотнинг методологик асоси: ушбу мавзунини таҳлил қилишда ва уни ёритишда шарқ ва ғарб мутафаккурларининг илм-фан, маданият ва

санъатга оид қарашлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А.Каримовнинг асарларидаги маданият ва санъатга оид фикрлари, кадрлар малкасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муаммолари, таълим муаммолари, халқ таълими, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, маданият муассасларида маънави-маърифий тадбирларни ташкил этишдаги услубий курсатмалари, ёшларнинг бўш вақтларин самарали ташкил этишга доир таълимий ва тарбиявий рисоалар, илмий ишларидан ва касб-ҳунар таълими илмий методик журнал ва адабиётларидан, Республикаимизнинг ушбу соҳасидаги мутахассислар ва илмий тадқиқотчиларнинг таҳлилий маълумотлари ишда ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг методлари:

- Шарқ ва ғарб хордиқ маданиятига оид маълумотларни жамлаш ва таҳлил қилиш.

- Шарқ ва ғарб хордиқ маданиятини таҳлил қилишда давра суҳбатлари уйиштириш.

- Ижтимоий сўровнома ва тестлардан олинган маълумотларни умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий-назарий аҳамияти: Тадқиқотнинг назарий аҳамияти бевосита унинг илмий янгилигидан келиб чиқади. Тадқиқот дастурини яратиш статистик таҳлил хордиқ маданиятининг ўзига хосликлари бунда маданият муассасларининг ўрни ва психологик хусусиятларининг ўрганилиши маданият ва санъатшунослик соҳасига назарий хисса бўлиб қўшилди. Ўсмирлар ижтимоийлашувида муҳим ва унча аҳмиятга эга бўлмаган механизмларни, ўсмирлар ижтимоийлашувида маданиятнинг таъсири кучли эканлигини аниқлаш бу жараёнга режали таъсир ўтказиш имконини беради.

Унинг назарий аҳмияти ўтказилган илмий таҳлиллар ва олинган хулосалар “мадания тадбирларни ташкил этиш”, “маданият ва санъат менижменти”, “шахслар аро муносабатлар психологияси”, “тарбия

психологияси”, каби саҳоларини янада бойитишга хизмат қилишида ҳам намоён бўлади.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларидан Республикадаги санъат ва маданият касб-хунар коллежи ўқувчиларига ўқув-тарбия жараёнида хордиқ қиқариш маданиятига оид тушунчаларни такомиллаштиришда қўл келиши. Тадқиқот натижасида чиқарилган назарий хулосалар ва соҳанинг ривожланиш тамойиллари хусусидаги таклиф-мулоҳазалар маданият муассаслари фаолиятини ўрганиш бўйича бундан кейин олиб бориладиган илмий изланишларда манбаа вазифасини ўташи, шунингдек, маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш соҳасида ўқиётган талабалар учун ўзларининг маданият борасидаги билимини янада оширишлари учун назарий-амалий қўлланма вазифасини ўташи кўзда тутилган.

Диссертациянинг структуравий тузилиши: кириш, асосий қисм (3-боб ва 6 бўлим), хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I. Боб. Шарқ ва ғарбда хордиқ маданиятининг шаклланиш тарихи.

1.1. Шарқ хордиқ маданиятининг файдо бўлиши ва унинг элементлари.

Шарқда аҳолининг хордиқ чиқариши учун уйиштирилган томошалар ғарб томошаларидан бутунлай фарқ қилади масалан бўларда саҳналар – улуғвор ғоялар, теран фалсафий томошалар, хазил – мutoйиба ва завқ-шавқни, умумхалқ дардини минбари бўлиб қолди.

Уйғониш даври томошаларининг бош қахрамони камоли етуклиги, ўзига хослиги билан ажралиб турувчи шахс эди. Бундай қахрамон ҳар қандай тўсиқ ва курашда ўз эзгу ниятига бўлган ишончни йўқотмайди. Бу давр ижодкорлари – ишончи бор шахснинг куч-қудрати жамият тўсиқларини енгишга кодир, деган ғояни олға сурдилар. Улар ижоди ҳаётбахшлиги билан кадрли ва улуғ эди. Бундай ғояни илгари сурган улуғлар ўзларини инсоният учун абадул-абад дахлдор идеалга мурожат қилаётганлигини била туриб ижод қилганлар дейиш мумкин.

Инсонни улуғлашга бағишланган Италия театри трагедиялари, айниқса, комедиялари илк бор бутун Европага намуна бўлди. “Сандиқ ҳақида комедия” номли интермедияларга бой томошада иштирок этадиган хизматкорлар – уч қувноқ йигит, танафус вақтида ҳам сахнани тарқ этмай ичак узди ҳангомалар айтишган.

Қадимги юнон ва грек комедияларидан намуналар олиниб Италия ҳаётига мослаштириб қайта ёзилиш натижасида “Ғалабалар”, “Афсунгарлар”, “Қўшмачилар” номли халқчил томошалар яратилди.

Сарой томошалари махсус тайёргарлик, безак, жихозлар талаб қилган бўлса, комедиялар боғларда, майдонларда махсус жихозланган сахналарда, очик хавода намоиш қилинган. Айниқса, бу борада “Комедия дель арте” – италиян “профессионал комедия театри” намуна бўлди. Профессионал актёрлар бадихагўйликка – ипровизацияга мойил ижодкорларни тўплаб ижодий гуруҳлар туза бошладилар. Бу ташаббус томоша санъатидаги эстрада элементларини янги ривож босқичга олиб чиқди. Ташаббускор актёрлар ўз гуруҳлари томошаларини очик сахнада – декорация, трюк ва эффектларсиз, парда ва жихозларсиз намоиш қилишганда, улар томоша кўрсатиш жараёнида янги – янги ифода воситаларини ярата бошладилар. Халқ севиб қолган сўзамол - хушчақчақ хизматкор йигитлар иштирок этган томошалар тобора кўпроқ мухлис йиға бошлади. Испанияда - Лопе де Вега, Англияда - Шекспир инсонни улуғлаш бўйича намунавий ижод қилдилар. Уйғониш даври ғояларини бу улуғлар чўққига кўтардилар. Булар Аристотел очган

иждо қонунларига амал қилиб, устози аввални улуғлаб, ўзалари эса буюклик даражасига кўтарилиб, кейинги авлодга устози мутлақ бўлиб қолдилар.

Символизм ва томоша санъати

Сахнадаги - натурализм ҳаёт ҳақиқатига асосланган – бадиий сахна ҳақиқатини, сахнада ифодаланган реализмни кучайтирди. Романтизм, танқидий реализм, натурализм ва реализмнинг барча услублари – символизмни, яъни белги, ишора, рамз билан рухий ҳолат ва кечинмаларни ифодалашни таклиф қилди.

Символизм реал борлиқни ақл – идрок билан тушунтиришни осонлаштириш учун – ишора, рамз, белги, шаъмалардан иждокорлар унимли фойдаланиши лозимлигини таъкидлайди. Инсоннинг рухий оламидаги ва борлиқдаги пинхоний сирларни ифодалашда бу услуб қулайлигини таъкидлаб, уни назарий асосини яратишга ҳаракат қилдилар. Айниқса, ривожланиш натижасида маънавийтсизликка муқкасидан кетаётган инсониятни қутқариш учун бу услуб қўл келишини драматургия орқали ёрита бошладилар. Метер бошлаб берган бу йўлни Ибсен, Шоу, Гауптман сингари тажрибали драматурглар шоирона ва образли тасвирларда ёрқин ифодалаб, бу йўналишдан унумли фойдаландилар. Бундай образли рамзлар – символлар театр санъатида режиссёрларнинг профессионал даражага чиқишига туртки бўлди. Энди драматург ғоясини очиш учун, декорациялардаги рамзий ифода ва ечимларни топиш, бу рамзларни мусиқада ифодалаш, актёрнинг гавдасида намоён қилиш ва бадиий яхлит томоша яратиш лозим эди. Бу талаблар шуларни ечимини топиш билан муқум шуғулланадиган – профессионал режиссёрлар авлодини яратди.

Томоша санъатининг билимдонлари ўз иқтидорлари билан давр дардини ифодаладиган ва уни аччиқ кулги тиғи билан даволадиган – шаклан оммавий, мазмунан халқчил бўлган “кўнгил очар” тадбирлар ярата бошладилар. Улар йирик шаҳарларнинг марказий кўчаларига жойлашган кафе, кабаре, ресторан, мюзк-холларда чарчоқ чиқарадиган, кўнгил очадиган, зериктирмайдиган томошалар ташкил қилишди. Шу ошхонанинг бир

чеккасидаги махсус жихозланган, озгина кўтарилган сахнани – эстрада деб атадилар. Реализм ўз навбатида қахрамонлар руҳиятини очишда янги йўл-йўриқлар яратди. У ўз қарашларини инсон руҳи – унинг маънавий олами, ахлоқий даражаси ва ижтимоий муаммоларини очиқ муносабатлар билан боғлаб ифодалай олди.

Норвег драматурги Ибсен – инсон кўнгилининг чуқур қатларига тубига яширинган нозик ҳис – туйғуларни, орзуларини, фалсафий қарашларини драматургияга олиб кирди. Энди чуқур кечинмалар ёктирадиган ёки “кўнгил очар тадбирларни хуш кўрадиган мижоз” тушунчаси – томошабин деган юксак атамага рақобатдош бўлиб қолди.

Мушиқа ижроси – кичик томоша шакли

Халқ ўзи ижод қилган шўҳ ва ўйноқи, умидбахш куйлар билан бир қаторда, меҳнаткаш омманинг оғир ҳаётини, оҳу – зорини, ҳукмрон синфларга қарши қаҳр-ғазабини, уларнинг орзу-ҳавасларини акс эттирадиган куй ва ашулалар ҳам яратган эди. Лекин, шу йиллар орасида йиғлоқи ва ўкинчли куй ва ашулаларнинг кўпайиб кетиши зулмни тобора ошиб бораётганидан дарак берарди.

Шашмақом бастакорлари асосан халқ ичидан чиққан санъаткорлар эди. Шашмақом халқ музыкаси асосида яратилар, такомиллаштирилар, унинг ашула бўлими текстларига демократ шоирларнинг шеърлари танлаб олинарди. Шунинг учун ҳам ўзбек профессионал музыкаси асосан халқ ғояларини ифодалаб, ўз навбатида халқ музыка маданияти тараққиётига ҳам баракали таъсир кўрсатди.

Айрим чоғларда йирик санъаткорлар — музыка намояндалари мажбурий равишда саройга жалб қилинар, бундай ҳолларда улар эркин ижод ҳуқуқидан қилиш музыка яратиш ва уни такомиллаштиришдан маҳрум бўлиб қолар эдилар.

Шунинг учун ҳам музыкага муносабат ва иштиёқ турлича бўлган. Ҳукмрон синфлар музикадан айшишрат – эрмак излаган. Бойлар таниқли санъаткорни уйига чақириб ўз шон-шуҳратларини оширишни ўйлаган.

Меҳнаткаш халқ эса – ўз ҳасрат, ғам-ғуссаларини музика ва кўшиққа ифодалаган. Ижодкорлар эса ўз арз-додларини баён этиш ва орзу-ҳавасларига каноат бериш учун музикага мурожаат этган.

XVIII—XIX асрлар мобайнида кичик шаклдаги томоша турлари, кўшиқ, музикаси ва рақс санъати ҳамма хонликларда ўзига хос услубларда шаклланди. Бунга ўзбек элатининг маҳаллий анъаналари, турмуш кечириши, меҳнат ва жуғрофий шароитлари, ҳар бир хонликнинг ўзига хос сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаёти ва унинг тарихий ривожига асос бўлган. Натижада, ҳар бир хонликда асрлар давомида бир-биридан мазмундор, бир-биридан жозибадор, бир-бирини тўлдирувчи ва бойитувчи, аммо айрим белги ва хусусиятлари, ўз шираси, стил ва бадиий формалари, ўсиш йўллари билан ажралиб турувчи Фарғона, Бухоро, Хоразм, Самарқанд музикалари, хореографияси, анъанавий театрлари майдонга келди. Шунинг учун ҳам, XVIII ва XIX асрда, ҳар бир хонликдаги томоша турларини, санъаткорлар ҳаётини алоҳида-алоҳида таҳлил қилишни тақозо қилади.

Театр – катта шаклдаги томоша туридир

Еттинчи асрдан бошлаб мусулмон диний идеологияси — шариатнинг қонун-қоида ва тартибларига кўра кулги, хурсандчилик кайфияти гуноҳ ҳисобланиб, инсон руҳий дунёсига футур етказувчи пинхоний, шайтоний куч сифатида қаралиб, жамиятдан қувиб чиқарила бошлаган эди. Кулгига, хурсандчиликка, театрга, томошаларга, байрамларга, базм ва сайилларга қарши курашларининг замири инсонни муте – ҳўп дейдиган қилиб тарбия сиёсатидан келиб чиқар эди. Шунинг оқибатида бутун ўрта аср даврида ҳукумрон мафкура ва халқ ўртасида кескин кураш давом этди. Чунки, бу давр томошалари – синкретик, яъни санъат турларини бир томошага сиғдирган характерга эга эди. Инсоннинг кулгига, хурсандчиликка, томошага бўлган қизиқиши ва иштиёқини ҳеч қандай диний, руҳий қонун ва куч сўндира олмади.

Шунинг учун ҳам расмий маъмурий доиралар ва халқ томонидан йилнинг турли фасл ва мавсумларида ўтказиладиган сайил ва томошаларга,

уларнинг ўйин, кулги ва хурсандчиликларига аста-секин рухсат бера бошлади. Бундай сайил ва томошаларда созандалар, раққослар, актёрлар, халқ ижодининг турли шакллари катнашди. XVIII—XIX асрларда халқ сайилларининг сони анча ортди. Бу даврда йирик шаҳарларнинг қарийб ҳаммасида «касабаи созанда» ёки «мехтарлик» касаба ва уюшма «цех»лар мавжуд эди. Чунончи, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Қўқонда бўлган чех фольклористи А. Ф. Эйхгорн – “XIX асрда бу шаҳарда 4 та «касабаи созанда» уюшмаси бўлиб, уларда жуда кўп машшоқлар, ҳофизлар, актёрлар, раққослар тўпланганини, улар шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб кўшни давлатларга ҳам чиқар эдилар” деб ёзган эди.

Қадимги анъанавий театр тушунчасига – турли сайиллар, томошалар, маросим ва базмлар, уларда кўрсатиладиган турли ўйинлар: актёрлар, созанда, ҳофиз, раққосаларнинг санъатлари, кўғирчоқ, цирк ўйинлари ва ҳоказолар киради. Чунки қадимий театр синкритик томошалар намоиш қилган.

Туркистон хонликларининг ҳар бир шаҳарида ўзига хос сайилгоҳ, томошагоҳ жойлари бўларди. Чунончи, Қўқоннинг «Катта чорсу»си шаҳарнинг марказий сайилгоҳ жойи ҳисобланарди. Сатҳи уч минг квадрат метрдан зиёд бу кенг майдонга ўн-ўн беш минг томошабин жо бўларди. Шаҳарнинг йирик кўчалари, бозор ва расталарининг ҳаммаси шу чорсуга келиб туташган. Чорсунинг шимол томонида шаҳар бегининг маҳкамаси, ғарб томонида эса мадраса бўлиб, унинг қуйи томонига кенг чойхона ва турли савдо дўконлари жойлашган эди. Чорсунинг шарқида ҳам бутун майдонга чўзилиб кетган катта чойхона бўлган.

Чойхоналарда катта қандиллар ёниб турар, улар шаҳарга қандайдир файз бағишларди. Чойхоналарда жойлашган созандаларнинг машқи, тарафма-тараф ашула айтаётган ҳофизларнинг ёқимли ва ўткир овозлари, халқнинг завқли қичқириқлари билан қўшилиб кетар, аския навбатида қаҳқаҳалар ҳаммаёқни тутарди.

Гоҳо-гоҳо бозор майдонининг ёки чорсунинг бир чеккасида, қўққисдан халқнинг баланд кулгиси ва ҳайқириқлари эшитилиб қоларди. Демак, у ерда актёрлар ўзларининг қизиқ ўйинлари билан ҳаммани кулдирмоқда ёки қўғирчоқбоз, раққос ва ёки муаллақчи ўз ҳунари билан томошабиннинг олқишига сазовор бўлмоқда. Бозор майдонлари, чорсу ва расталарда тез-тез каландарлар, маддоҳлар пайдо бўларди. Уларнинг орасида ўнлаб хушовозли ҳофизларни, сўз усталари ва зокирларни учратмоқ мумкин. Аммо бу тоифа «санъаткор» халқни хурсанд қилиш ёки кулдириш учун хониш қилишмасди. Аксинча, улар айтадиган куйлар ёки ўқийдиган шеърлар диний руҳда бўлиб, одамни бу дунё роҳатларидан воз кечишга ва охиратни ўйлашга чакирадиган панд-насихатлардан иборат бўларди.

Кечаси томошалар «Қатта чорсу» майдонига кўчарди. Чорсу халойик билан тўлиб-тошарди. Майдоннинг бир чеккасида бордон билан ўралган бир кичик хона пайдо бўларди. Бу актёрларнинг кийим-кечак кийиб, грим қиладиган жойлари. Созанда ва ашулачи ҳофизлар, раққослар чорсунинг ҳар икки томонидаги чойхоналарга бўлиниб ўтирардилар. Томоша созандаларнинг машқи билан бошланарди, ўйинни корфармон бошқарарди. Даврага ҳофизлар чиқардилар, сўнгра бир нафас аския кетарди. Шундан сўнг раққосларга навбат келади, охирида бир неча қўғирчоқ ёки анъанавий театр томошалари кўрсатилади.

Бундай сайиллар Қўқонда гоҳо хоннинг фармони билан Ўрда атрофида ҳам ташкил қилинади. Ўрданинг ғарб томонида шундай катта томоша майдони бор эди. Майдон атрофида юзлаб чодирлар қад кўтарар, майдонга минглаб фонарлар осилиб безатилар, ўртада карусель айланиб турарди. Бу оркестр учун тайёрланган махсус жой – эстрада дейилган. Бундай томоша - спектаклларга энг малакали санъаткорлар, актёрлар, созандалар, раққослар, ҳофизлар жалб қилинар, ўйинлар махсус белгиланган тартибот бўйича олиб борилар, бундай сайиллар ҳатто беш-олти кунга ҳам чўзилиб кетарди.

Бундан ташқари Қўқон атрофларида «Янги чорси», «Муйимарак», «Қайнар булоқ», «Овғон боғ», «Эрхуб-би», «Қораюз буво», «Хўжайтираб»

каби турли сайилгоҳ ва қадамжолар бўлиб, уларда ҳам турли мавсумларда халқ сайили ва томошалари ўтказиларди.

Оғир меҳнатдан тинкаси қуриган меҳнаткаш омма томоша майдонларига тўпланиб, санъаткорлар ҳада этаётган хурсандликдан баҳраманд бўлишга, кулишга, чарчоқ чиқаришга, юракларини бир оз бўлса ҳам юмшатишга имкон қидирарди. Халқ рухиятни ўзида акс эттирган санъаткорларнинг ижодий фаолиятлари кучайиб, репертуаридаги мавзу доираси кенгаяр, фош қилувчилик мотивлари ўткирлашар, мазмунига мазмун қўшилар эди. Меҳнаткаш халқ сайил ва томошаларда ижро этиладиган музыка садоларида, ҳофизларнинг бу аламли дунёдан фарёд чеккан ашулаларида ўз ҳис-туйғуларини тасаввур қилар, натижада халқнинг юраги санъаткор билан қўшилиб кетар, актёрларнинг ҳақиқий ҳаётни бамисоли ойна каби акс эттирувчи спектаклларида ўзларини эзаётган ва хўрлаётган шахсларни кескин масхара қилинишини кўриб, чин қалбдан қаҳқаҳа отиб кулар эди.

Иккинчидан, ҳукмрон мафкура бундай сайил ва томошаларга рухсат берганларида ўз мақсадларини ҳам кўзда тутар эди. Улар халқ кўзғолонларидан ниҳоят кўрқар, шунинг орқасида турли сайил ва томошаларни кучайтириб, халқни «ёмон ниятдан» қайтариб ушлаб туришга, ҳатто халқ ташкил қилган сайил ва томошаларни ўзлари ташкил қилган «ташаббускор»лар қилиб кўрсатишга уринар эдилар. Натижада хонликларнинг пойтахтларида ўтадиган сайиллар анча ташкилий тус ола бошлайди. Бу ўз навбатида театр ҳаётининг жонланишига олиб келди. Ўзбек халқи ва унинг театр намояндалари, қадимги томоша анъаналарини энг қимматлиларини олтин қидирувчилар сингари топиб, танлаб, пардозлаб асрлар оша кўз қорачиғидай сақлаб авлоддан авлодга ташиб келдилар.

XVIII ва XIX асрда Туркистон хонликларидаги анъавий театр ҳаётини тасвирлаб берадиган сонсиз-саноқсиз манбаларга эгамиз. Чунончи, 1800 йилда рус элчиларидан Поспелов ва Бурнашевлар Қўқонда ўтган бир сайилда кўрган актёр ўйинлари уларда катта таассурот қолдирганини ёзадилар.

1813—1814 йилларда Туркистонга келган алоҳида Сибирь корпусининг таржимони Филипп Назаров тошкентликлар санъатни ниҳоят севади, кўча майдонларида, боғларда актёрлар, музикачи ва раққослар муттасил томоша кўрсатадилар, — деб ёзади. Ф. Назаров Қўқонда бўлган бир сайилда ҳам катнашган. У Қўқон санъаткорларига катта баҳо бериб ижрочилик ва маҳоратда улар Тошкент актёрларидан юқори турганларини ва Қўқон санъаткорлари бу тўғрида ўзларини мағрур ҳис этганларини алоҳида кўрсатиб ўтади¹.

Қўқонда хонлик қилган Муҳаммад Умархон ўзи (1809—1822) шоир ва санъаткор бўлганидан пойтахтига Туркистоннинг турли шаҳарларидан шоирлар, созандалар, раққослар ва актёрлар тўплашга уринади. Чунончи у Хивадан машҳур созанда ва бастакор Худойберди устозни олдириб келади. Бу киши асли қашқарлик бўлиб, Қўқонда ўз мактабини ташкил қилди; унинг атрофига талантли шогирдлар тўпланди. Бу даврда Қўқонда доимий труппа ҳам ташкил топди. Унинг раҳбари Муҳаммад Солиҳ Бидиёршум бўлиб, труппа тез-тез саройга ҳам таклиф қилиниб туриларди. Шундай қилиб, бу даврда шаҳар маданий ҳаёти жуда тез ўсди..

Умархон даврида саройда ёки сарой олдидаги майдонларда, шунингдек шаҳар атрофидаги сайилгоҳларда сайиллар ташкил қилинар, уларда ўзбек актёрлари ўзларининг бой репертуари билан чиқар эдилар. Юзлаб санъаткорлар қатнашадиган томошалар Бидиёршум раҳбарлигида, у чизиб берган қатъий план асосида олиб борилган.

В. Наливкиннинг ёзишича, 1821 йилда Умархоннинг Зомин маҳорабасидан ғалаба билан қайтганида саройда ва сарой атрофларидаги майдонларда узлуксиз томошалар давом этган². Дев қиёфасида ўйналадиган ўйин, раққослар майдондан майдонга ўтар, айрим чоғларда эса уларни шеър ўқувчи сўз усталари, шоир ва ҳофизлар, актёрларнинг спектакллари алмаштириб турган.

¹

²

XVIII аср давомида ва XIX аср бошида Қўқонда кўп сонли малакали санъаткорларнинг тўпланиб бориши объектив равишда бу ерда анъанавий театр ҳаётининг жуда тез жонланишига олиб келган бўлса керак.

1830 йилда Қўқон элчиларини кузатиб келган Хорунжев Тошкентдаги сайил ва томошалар тўғрисида ҳам маълумотлар беради. Унинг ёзишича, Тошкент шаҳри атрофида бир баландлик майдон бўлган. Бу ерга чодирлар ўрнатилиб ҳар йили халқ сайили ўтказилар, сайил бир ҳафта давом этиб, унда узлуксиз музика, рақс, ашулалар, цирк ва спорт ўйинлари, анъанавий томошалар ўйналар экан¹.

Қўқон хонлигида Муҳаммадалихон ёки Мадалихон(1822—1842) замонида ҳам театр ҳаёти бир даража ривож топди. Энди саройда ва шаҳар атрофидаги майдонларда ҳар жума куни томошалар қўйиш одат тусига кириб борди. Мадалихон ҳам Умархон сингари Туркистоннинг бошқа хонликларидан шоирлар, созандалар, раққослар, актёрлар келтириб Қўқон санъатчиларининг сонини орттира борди. Чунончи, Мадалихон Худойберди устознинг тавсияси билан Хиванинг машҳур созанда ва бастакорларидан Солиҳбек ва Мўминбекларни Қўқонга олдириб келди. Бу даврда Худойберди устоз тарбиясини топган Қўқон созандаларидан Ашурали маҳрамнинг Қўқон хонлигида донгги чиқди. Бундан ташқари XIX асрнинг, биринчи ярмида Қўқон пойтахтида Рустам ҳофиз, Боймат ҳофиз, Саидали ҳофиз, Абдурахмон пари, Муҳаммад меҳтар каби музика санъатининг намояндалари ижод қилардилар². XIX аср охирида самарқандлик машҳур ҳофиз ҳожи Абдул Азиз ва хўжандлик ҳофиз Садирхонлар мана шу Ашурали маҳрам тарбиясидан баҳраманд бўлганлар.

Мавлоно Нодирнинг «Ҳафт гулшан» асарида кўрсатилишича, бу даврда Нодира бегим атрофида жуда кўп сўз усталари, шоир ва шоиралар, созанда ва раққосалар, аёл актёрлар тўпланганини ва ўша даврда Қўқон саройида бир

1

2

санъаткор қизнинг музика ва ашула санъатида ниҳоят катта маҳоратга эришганини таърифлаб ўтади.

Қўқон тарихчиларидан Мулло Қосим ҳожининг 1840 йилда Мадалихон даврида, саройда Бидиёршум труппаси томонидан ўйналган «Мударрис» спектакли тафсилоти тўғрисида ёзиб қолдирган. Шундай қилиб, бу даврда сарой қошида кўп кишилиқ халқ чолғу асбоблари тўдаси (бунга ҳарбий оркестр кирмайди), кўп кишилиқ рақс ансамбли ҳамда актёрлар труппаси барпо топди.

Қўқон саройига жалб қилинган санъаткорларнинг раҳбари машҳур актёр Зокир эшон бўлиб, труппа составида Ризо қизик, Саъди Маҳсум, Нормат қизик, Бойбува қизик, Мўмин қишлоқи, Баҳром қизик, Усмон қизик, Рўзи гов, Бахтиёр, Шомат қизик, Давлат қизик, мулло Ҳошим, Усмон қизик, Холмат қизик, Қалсарик қизик, Авлиёхон қизик каби 30 дан ортиқ талантили актёрлар ижод қилар эдилар.

Зокир эшон труппасининг репертуари бой бўлиб, унинг тематикаси ҳам ранг-баранг эди. Бу йилларда труппа халқ ўртасида ёки саройда томошалар кўрсатган фақат бизга маълум бўлган пьесаларининг сони 40 дан ошади.

Концерт – кичик шаклдаги томоша турлари тўплами

Юқоридагилардан кўринадики театр каби томошабин йиғадиган томошагоҳлар пайдо бўла бошлаган. “Кичик шаклда” ги томошалар мажмуаси “концерт” деб аталди. Концерт – лотинчада “курашяпман”, “айтишяпман” маъносини англатади. Драматик театр опера ёки балет театри гуруҳларининг актёрлари биргаликда - ансамбль бўлиб ўз спектаклини яратади. Улар томошабин қалбини бадиий яхлит “катта шаклдаги” томоша билан забт этади. Асар ғоясини очиш учун актёрлар иқтидорига қўшимча режиссура, сахна хизматчилари, грим ва сахна жихозлари билан биргаликда яратилган атмосфера – муҳит ҳам хизмат қилади.

Концертда эса бир актёр “кичик шаклда” ги томоша – қўшиқ, рақс, шеър, монолог, ёки цирк номери билан томошабин қалбини забт этади. Сахнада ёлғиз туриш ва ўзи ўйлаган режасини бадиий шаклдаги номер

орқали минглаб одамларнинг қалбига сингдириш қудрати фақат эстрада актёрига насиб қила бошлади.

Шундай қилиб олдиндан режалаштирлаган бир неча якка чиқишлар тўплами – “концерт” деб номлана бошланди. Чунки, томошабинни олдиға якка чиқиб келадиган ҳар бир артист энди ўз номери билан ўзидан олдин сахнага чиққан ижрочи учун чапак чалган томошабин эътиборини қозониш учун “курашади”. Бу кураш – томошабинларда “энди сизларни яна нима билан хайратга солайлик” деган излашни - катта қизиқиш уйғотди. Бу изланиш хашаматли театр бинолари ва унинг бадиий яхлит томошалари билан рақобатдош бўла оладиган концерт заллари ва унинг “кичик шаклдаги” томошлар тўплами – концертни пайдо қилади.

Зерикканлар ва чарчаганлар учун бу “кичик шакл”даги томошалар тўплами ҳам маъқул бўлди. Энди бу йўналиш фақат байрамлар ва сайилларда намоён қилинадиган кичик шаклдаги томошалар сахна санъати турлари орасида “эстрада санъати” мақомини олди. Чунки, театр санъати – шеърят, кўшиқ, рақс, мусиқа ва цирк номерлари каби мустақил томоша турларидан фақат спектакл ғоясини очиш учунгина фойдаланар эди. Шунинг учун театр ўз актёридан сеқирра ижодкорликни – кўшиқ айтиш ва рақсга тушуниш маҳоратини ҳам талаб қилган.

Эстрада санъати эса – ҳар бир томоша турини соф ҳолда, юқори савияда, ўз йўналишининг энг моҳир усталари ижросида, санъат даражаси кўрсатди ва уларни бир концертда жамлай олди. Концерт яна худди шунинг акси бўлган – шеърят, кўшиқ, мусиқа, рақс ва цирк томошаларида “юлдузликка давогар”ларнинг заиф томонларини очадиган – пародиялар ҳам кўрсата олди. Шунингдек улар омухтасидан – аралашиб кетишидан пайдо бўлган оргинал – янги ва такрорланмас томошаларни ҳам фақат концерт жараёни кўрсата олди. Унинг акси бўлган – “оргиналикка давогар” лар устидан кула олиши билан ҳам концерт ўзининг кенг – қамровлигини намоён қилди. Томоша турлари тўпламини намойиш қиладиган концертлар – якка

ижрочилар ҳамда номерлар кўрсатди марду-майдони, яъни “эстрада санъати” бўлиб ўз мухлисларига хизмат қила бошлади.

XVIII асрга келиб концертларга билет сотила бошлади. Концертда аввало мусиқа ижрочилари: скрипка, фортепиано, камерний оркестр - кичик шаклдаги ижрочилар гуруҳи ва симфоник оркестр - катта шаклдаги ижрочилар гуруҳи муваффиқият қозонди. Кейинчалик бадиий ўқиш, монологлар, балетдан ёки операдан парчалар ва цирк номерлари ҳам концерт иштирокчиларига айланди.

Шундай қилиб, концертлардаги “кичик шаклда” ги номерлар билан мухлисларни хайратга соладиган томошалар – эстрада санъати, яъни “кичик шаклдаги санъат тури” деб эътироф этила бошлади. Унинг иштирокчилари эса – эстрада актёри, яъни 5-10 минутлик номер кўрсатиб олқиш оладиган ва ўз номини томошабинлар эслаб қолишига эришадиган қоблият эгаси бўлиб ҳурмат қозонди. Майдон ва байрамларда, концертларда якка тартибда томоша кўрсата оладиган серқирра ижодкор актёрлар: Францияда – жанглёрлар; Германияда – сипильманлар; Россияда – скоморохлар; Ўрта Осиёда – дорбоз ва масхарабозлар деб аталган¹. Энди концерт йўналишидаги ёпиқ бино ичида намойиш қилинадиган томоша турлари ва унинг эволюциясига бир назар ташлаймиз.

Водевиль – кўнгил очар томоша.

Водевиль – французча кулгули енгил қўшиқ маъносини билдиради. Вир ва Нормандия дарёлари ўртасидаги “Ван де Вир” водийсида туғулган халқнинг севимли қўшиқчи шоири О. Бослен илк бор кулгули шеърлар ёзган. Унинг шеърлари халқ орасида барча куйлай оладиган енгил қўшиқлар бўлиб тарқалган². Шундай қўшиқларга қурилган водвель иштирокчилари диалоги ва анекдот – латифалар сюжети кулгули воқеаларга бой бўлган. Уч бурчак севги – икки кишини бир қизга ошиқ бўлиб қолиши ёки аксинча икки қизни

1

2

бир йигитни яхши кўриб қолиши шўх кўшиқларга, кулгули воқеларга ох-вохли “кўз ёшларига”, очик эхтирослар изхорига асос бўлган.

Халқ сайилларида синовдан ўтган енгил кўшиқлар жанри асосида Парижда, 1792 йилни махсус театр очилди ва унга “Водевиль” деб ном берилди. Бу театрни мухлисларини кўпайиши навбатдаги “Трубадирлар театри” водвиллар асосида қурилган томошагоҳни пайдо қилди¹. Навбатдаги сиёсий кулгули кўшиқларга ва шўх рақсларга бой водвил театри “Арлекин” – яъни афишалар клейловчи номи билан машҳур бўлди.

Водевиль жанрини тез тарқалишига ва уни мухлисларини кўпайишига асос – содир бўлган воқеа ёки миш-мишлар дарҳол томоша мавзусига айланишидир. Драматург уни 2-3 кунда ёзса, актёрлар уни 2-3 кун ичида сахнага олиб чиқарди. Водевильда янграган шўх кўшиқлар тезда халқ орасида тарқалиб, уни хиргойи қилиб юришарди. Бундай кўшиқлар дарҳол конференсьлар томонидан ижро қилиниши томошабинларга ёққан. Бундай тезкорлик билан театр репертуарини янгиланиб туриши эса хаммага маъқул бўлган.

Водевиль жанри – ҳозир жавоблиги, сиёсатдаги ўзгаришларга шаъмаси кувноқ диалоглари, шўх кўшиқлари эхтиросли рақслари билан театр ижодкорларини мафтун қила олгани учун XIX асрда бутун Европа бўйлаб кенг тарқалди.

Водевиль актёрларга ўз маҳоратини ёрқин намоён қилишга имкон берди. Кўшиқ айтиб, рақсга туша оладиган актёрлардан яна юморни ҳис қилиш, енгил ҳаракатлар билан ўз эхтиросини табиий намоён қилиш ҳам талаб қилинди. Бундай талаб бир қатор комедия жанрида ижод қила оладиган қобилиятли актёрларни эстрада концертларида элга танитди. Бу жанр бир спектаклда ўз қиёфасини бир неча бор ўзгартира оладиган – дарҳол янги қиёфа яратишга қодир эстрада актёрларни яратди. Хотинидан жазмани билан юришини яширишга ҳаракат қилган эрни дарҳол бошқа қиёфага кириши томошабинларда самимий кулгу уйғотган. Эхтиёткорликка қурилган водевил

1

шарт-шароитлари комедия жанри ижрочиларининг ҳамда эстрада актёрларининг маҳоратини ўсишига ижодий шароит яратган.

Ноқулай шароитга тушиб қолган эр ёки хотин, ундан чиқиб кетиш учун томошабин билан мулоқатга киришадиган дақиқалар водевил жанрини янада халққа яқинлаштирди. Жанрнинг бу талаби актёрларнинг бадихағўйлик қобилиятини ривожлантирди. Томошабин билан мулоқатга киришиб, уни шароит талаб қилган кулгули ҳолатда “ушлаб туриши” ҳамда воқеа иштирокчисига айлантириш жараёни актёрларининг янги ижодий кирраларини – бадихага бойлигини топқирлик маҳоратини намоён қилган. Қўшиқ айтган, рақсга тушган, диалогларни боплаган актёр энди томошабинни ҳам спектакл иштирокчисига айлантира олди. Бу тажриба ўз навбатида эстрада томошаларда иштирок этган конференсьеларни элга машхур қилган. Чунки концертда у ёлғиз ўзи – ўз номерлари билан ўзлигини намоён қилган.

Томошабинларни севимли жанрига айланган водевил ижодкорлари унинг асосида, эстрада сахнасида машхур бўлган оперетта – кичик опера ҳамда комик операларни ҳам яратишди.

1.2. Шарқда хордиқ маданияти ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш воситаси сифатида.

Қадимги Римдаги томошаларнинг пайдо бўлиши ҳақида ёзган Гораций хосил байрами иштирокчилари хазил – мутоибали қўшиқларни ўзлари тўқиб ижро қилишгани ҳақида хабар беради. Ким яхши ва серхазил қўшиқ тўқиши ҳамда айтиши мумкинлигини аниқланиши ва улар орасидаги мусобақа шакли байрамни хушчақ-чақлик билан ўтказилишини таъминлаган. Кейинчалик байрамларда мавзуга мос равишда тўқиб ижро этиладиган хазил қўшиқларда ижтимоий муҳитга ҳам муносабат билдирилган. Гораций таъкидлашида бундай қўшиқларда баъзан зодогонларни ҳам аяб ўтиришмаган. Кўриб турганимизда қўшиқ – кичик шаклдаги томоша қадимги Римликларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлган.

Рим тарихчиси Тит Ливий ёзишича, эрамиздан аввалги 364 йилларда этруслик актёрлар флейта охангларига мос гавда ҳаракатлари билан ҳаммага маъқул бўладиган рақс – гўзал муқомлар қилишган. Ҳайратланарлиси шунда эдики, улар флейта охангларига мос – сўз ва қўл ҳаракатлари ишлатмасдан, фақат гавда ҳаракати билан ҳаммани лол қолдирган. Шундай қилиб Римликларнинг ўзига хос, рақси барча байрамлардаги кичик шаклга томоша турига. Этруслик актёрларнинг гавда ҳаракати билан ифодаланган рақсларига тақлид қилган Рим ёшлари флейта охангларига рақс, диолог ва қўл ҳаракатларини қўшишган.

Такомиллашган бундай рақс ижрочилари – гистрион, этрусчасига “истер” актёр номини олган. Энди улар дарҳол қўшиқ тўқиб унга мос ҳаракатлар топиб мусобақада қатнашмайдилар. Аксинча, флейта охангларига мос гавда ҳаракати қўшиқ, рақс ва қўл ҳаракатлари топилиб, яхшилаб машқ қилингандан кейин сахнада ижро қилинган. Актёрлар ижро қилган қўшиқ ҳам ўз номига эга бўлган. Бу қўшиқ – сатуралар деб номланиб, у “аралаш – куралаш” маъносини берган. Чунки, сатуралар маиший ва ижтимоий ҳазилларни ўз ичига олган мусиқа, гавда ҳаракати қўшиқ, рақс, мимика, жест ва диологлардан иборат аралашма томоша тури эди. Энди Римликлар анча такомиллашган кичик шаклдаги томоша тури – сатирага эга бўладилар.

Римликлар яна бир томоша турини – кичик шаклдаги диологли ҳазил томошани аттелан қабиласининг тўрт комик персонажи маскасини қабул қилди. Уларнинг номи - Макк, Буккон, Папп ва Доссенлар бўлиб, бадихагўйлик – импровизацияга қурилган диологли сахналарда улар - очафат, махмадона, хасис бой ва фирибгар файласуф қиёфаларини яратган¹.

Макк – довдир бўлиб, ҳаммадан аладанар ва калтак ер эди. У еб тўймас – мечкай ва шу билан бирга кўрганини севиб қоладиган ошиқу – беқарор эди. Уни кал бошли, қирғий бурунли, шалпанг қулоқли ниқоб кўрсатишган.

1

Буккон – икки лунжи шишиб чиққан, лаблари осилган йигит. У ўта сергап ва махмадона бўлиб, довдир – Макк ёнида ўзини доно қилиб кўрсатишга уринадиган шахс никоб эди.

Папп – бой чол бўлиб, у ўта зикналиги билан ҳамда ёшларни ишларига бемаврид аралашиши билан ажралиб турган. Ёшига мос бўлмаган ҳаракатлари кулгу қўзиган.

Доссен – оми кишиларга ўзини доно кўрсатиш учун маъни – бемаъни панд – насихатлар бериб, файласуфликка давогар бўлган фирибгар никоб эди. Уни кўпинча букур қилиб кўрсатишган¹.

Халқ ижодини ва тўрт персонаж характери яхши билган Плавт бундай томошаларга асосланиб моҳирлик билан дастлабки Рим комедияларни ёза бошлади ва уларни оммани севимли томошасига айлантирди. Улар байрамларнинг фаол иштирокчиларига айландилар.

Эрамиздан аввалги III аср бошларида римликлар жанубий Италиядаги грек шаҳарларини ўзларига бўйсиндиргаларидан кейин Римда жуда кўп греклар пайдо бўлди. Улар – куллар, савдогорлар, хунармандлар, иш қидириб келган эркин кишилар эди. Греклар ҳукмрон табақали римликларга – грек тилини, адабиётини фан ва фалсафсини ўргатди, тушунтирди ҳамда изоҳлади. Бу Рим маданиятини томоша санъатини янги поғонага кўтарди.

Римдаги ибодатхоналарни жихозлаш учун Грек архитектураси ва ҳайкалторошлиги жорий қилинди. Эрамиздан аввалги биринчи асрга келиб Рим шоири Гораций ўз шеърларида, забт этилган Грециянинг санъати, хунари ҳам бўйсиндирилгани ҳақида ёза бошлади. Маҳаллий аҳоли санъат турларига забт этилган элат маданиятини аралашиши байрамларни нишонланишини ҳам янги босқичларга олиб чиқди.

Римликларга хос шавқатсиз томошалар

Гладиаторлар жанги амфитетрларда ва цирк биноларида ўтказиларди. Бу шавқатсиз томоша мухълислари кўпайишини нима билан изоҳлаш мумкин. Қорни тўқ, ташвиши йўқ зодогонлар зерикканидан шавқатсиз

1

томошалар уюштирдилар. Ўрта Осиё халқларига маълум бўлган – кўчкор, ит, хўроз уриштиришни Рим зодогонлари одам уруштириш зериканларни, корни тўқларни эрмаги даражасидаги томошага айлантирди. Қизиғи шундаки бу томошани кўришни истаганлар ўз даврида бўлган мавжуд театрларга сиғмай қолди.

Эрамининг 75 йили Римда гладиаторлар жанги учун мўлжалланган махсус томошагоҳ қурила бошлади. У ўз бағрига 50 минг томошабинни сиғдириши керак эди. У монументал архитектура намунаси бўлиб, томошабинлар учун барча қулайликларни яратишни эътиборга олган эди. У 80 йили ишга туширилди ва “Колизей” – “Энг катта” номини олди. Шафқатсизларни завқ билан кўрадиган 50 минг томошабин учун энди Колизей марказ бўлиб қолди¹.

Эрамининг II-V асрларида Рим маданияти ниҳоятда ривожланган. Бутун империя бўйлаб кенг миқёсда ибодатхоналар, маъмурий бинолар, цирк бинолари, сайлгоҳлар, майдонлар, кутубхоналар қурила бошлаган. Рим империяси даврида аҳолиси сони бир миллиондан ошадиган шаҳарлар пайдо бўлди. Аҳолиси ярим миллиондан ошадиган шаҳарлар кўпайди. Империянинг театр бинолари қурилмаган шаҳарлари бўлмаган. Бу Римликлар томошага нақадар ўчликларини кўрсатади.

Энди ўша даврда машҳур бўлган томоша турларини кўриб чиқайлик. Рим империяси бўйлаб икки жуфт от қўшилган араваларда – “квадрига” да пойгалар уюштирилган. Бу римликларнинг очик майдонларда, байрамларда ўтказиладиган мусобақалари эди. Улар яна цирк бинолари ичида йиртқич хайвонларни уриштириб томоша қилишни ҳам ёқтирган. Амфитеатрларда гладиаторлар жангини ўтказилиши ҳам расм бўлган. Ўлимга ҳукм қилинганларни қатл қилиш жараёнини амфитеатр ёки цирк биноларида томоша қилиш ҳам шафқатсиз Рим империяси удумларидан бири эди. Уларнинг энг шафқатсиз томошаси ўлимга ҳукм қилинган маҳбусга

1

йиртиқич хайвонни қўйиб юбориш эди. У омон қолса – томошабинлар олдида озод қилинган.

Империяда шафқатсиз томошаларга қарама-қарши бўлган яхши удумлар ҳам бор эди. Булар янги қурилган гўзал майдонлар, сайлгохлар эди. Айниқса Рим шаҳри марказидаги майдон ўртасида 27 метрли усутун ўрнатилиши, унинг атрофи бўртма хайкаллар билан безатилиши, устига император хайкалини ўрнатилиши ва майдон атрофини кутубхона биноти билан ўралганлиги мақтовга сазовор мантиқли уйғунлик – яратувчанлик эди.

Кейинги мақтовга сазовор нарсалар, бир неча юз гладиаторлар иштирокида театрлашган жанглар сахналаштирилгани эди. Энди улар ўлмади, ўлимни ўйнаб беради. Бундай оммавий томошаларга Римликлар қатнашган урушлар ва уларнинг ғалабалари мавзу бўла бошлади.

Мим ва пантомим театрлари эса махсус сахналаштирилган ов жараёнини оммавий томошага айлантира олди. Улар ижросидаги “актёр хайвон” билан актёр овчи ўртасидаги кураш, ов жараёни завқли томошага айланишини сахналаштирувчилар яхши билишган.

Рим империяси циркларида қўл жанги навбатдаги томоша турига айланган. Римликлар бу томошани ҳам завқ билан кўришган. Икки кишини муштлашишидан ташқари шафқатсиз Римликлар бу даргоҳда яна совуқ қуроллар билан қуролланган жангчиларнинг театрлашган тўқнашувини ҳам томоша мавзусига айлантирган¹. Театрлашган оммавий қуролли жангларда тарихий қурол – аслахаларни ва ундан жангчилар қандай фойдаланганини намойиш қилиш имконияти мавжуд эди. Бундай томоша турларини фақат Римликларга хос удумлар деб алоҳида таъкидлаш мумкин

Оммавий сюжетли томошалар

Амфитеатрларда ва баъзи махсус жихозланган театрларда денгиз жанглари сахналаштирилган. Жуда кўп иштирокчилар билан оммавий жангларни театрлаштирилган томошага айлантирилиши, драматургия

¹

асосида фаолият кўрсатадиган театрларни инценеровка ёки сценарийлар сахналаштирадиган ҳамда оммавий тадбир ўтказадиган ташкилотга айлантира бошлади. Театрларнинг актёрлар маҳорати билан хайратлантириш, ларзага солиш орқали – поклашга қаратилган вазифаси, ташкилоъчилар режасига биноан оммавий тадбир ўтказишдаги ташкилот даражасига туширилди.

Денгиз жанглари сахналаштириш учун театрларга махсус қувурларда сув оқими олиб келинган. Орхестрга сув тўлдирилган. Томошабин ва сахна томонларга сувни сизғимаслиги учун махсус мосламалар жихозланган. Натижада, орхестрни ва сахнани шакли ўзгарган. Сахнани 1,5 метр кўтарилиши – сув тўлғизилган орхестрда денгиз жангини сахналаштиришга қулайлик яратган. Томоша тугагач орхестрдаги сувни махсус жихозлар орқали театрдан ташқарига чиқазиш йўли топилган. IV-V асрларга келиб, Рим империясининг ижтимоий инқирози бошланди¹. Қуллар қўзғолони, босиб олинган юртларни мустақиллик учун кураши – театрларнинг, ривожланган маданиятга навбатдаги инқирозини бошлаб берди. Германияликларнинг хужуми Ўрта ер денгизи атрофида мустахкам шаклланган қулдорлик тузумига барҳам берди. Инсонларни дунёқараши ўзгарди. Ижтимоий инқироз даврида ҳам томошаларга катта ўрин ажратилди. Масалан IV асрнинг ўрталарида йил давомидаги томошаларга 175 кун ажратилган. Улардан 10 куни гладиаторлар жангига, 64 куни цирк томошаларига, 101 куни театр томошаларига белгиланган. Нима учун гладиаторлар ва цирк томошаларига кам кунлар ажратилган деган савол туғилиши мумкин. Демак, билет нархи қиммат томошаларга нисбатан кам кунлар ажратилган. Кўриниб турибдики Италияда ҳам театр томошалари арзон бўлган. Эрамизнинг IV асрига келиб Римда христиан дини расмий тан олинди. Император Феодосий даврида (379 – 395 йиллар) христианлик давлат дини деб эълон қилинди². Христиан дини расмий тан олингандан

¹

²

бошлаб: мифлар ва диний мавзуларга таяниб ижод қиладиганлар; диний маросимларни пародия – масхараномус томошаларга айлантирадиган томошогохлар; пантомим ва мимлар назоратга олинди. Черковлар мимлар томошаларни тўхтатиш учун бир қатор қарорлар чиқардилар. Империя ҳудудида Теодарахе ҳукумронлиги пайтида, 493-526 йилларда ҳам мимлар томоша кўрсатган. Черковлар қурашига қарамай 6-7 асрларда ҳам нураётган Рим империясининг чекка ўлкаларида мим томошалари давом этган. Диний мавзуларни эрмак қилишни бошлаган мим томошаларини тақиқлаш кучайди. 691 йили Турул черкови мимни – гуноҳ тарқатувчи томоша деб расмий таъқиқланганлиги ҳақида маълумот бор¹.

Қадимий Рим греклардан ўзлаштирган маданият натижасида ўзи ҳам адабиётда, драматургияда, театр санътида фалсафада, нотиклик санъатида намуна бўладиган асарлар яратди. Саҳнада оммавий сюжетли жанрлар кўрсатиш қудратига эга бўлди. Оммавий томошаларни мафкуравий таъсир кучидан унимли фойдаланди.

Ўрта асрлардаги Европада томоша шакллари ва кичик томоша турлари эволюцияси. Европага тобора ёйилиб бораётган христианлик VII асрдан бошлаб барча томоша турларини ўз назоратига олди. Шунга қарамай халқ баҳор келишини ва куздаги ҳосил байрамларидаги урф-одат, анъаналарини, ўйин-кулгуларини давом эттираверди. Одамлар маъбудларга бўлган эҳтиромларини оммавий сайилларда, байрамларда рақс, қўшиқ ва бадихагўйлик мусобақаларида намоён қилдилар. Бундай тадбирларда Европанинг барча мамалкат халқларини ўз ижодий имкониятларида ҳазил-мутойибага майиллик кучли эканини кўрсатдилар.

Ўйин кулгулар черковлар таъқиб ва тазийқларига қарамай байрамларда ҳар бир миллатнинг ўзига ҳослигини ифодаларди. Масалан: Швейцарияда қишни – пўстин кийган йигит, баҳорни-қўйлак кийган қиз; Германияда баҳор байрамига бағишлаб махсус кийимлар тикдирилган ва кийим-кечаклар карнавали ўтказилган; Англияда баҳор шарафига ва халқ қаҳрамони Робин

1

Гуд хотирасига - оммавий рақс ва қўшиқ мусобақалари ўтказилган; Италияда баҳор байрами баҳона халқнинг ижодий куч- қудратини намоён қиладиган барча тадбирларга шароит яратиб берилган.

Қўшиқ, рақс ва бадий ижоднинг кичик шаклдаги турлари қишлоқдагилар учун хавас ва кўнгил очиш воситаси эди. Ривожланган шаҳарларда энди қўшиқ, айтиш рақсга тушиш, шеър ёзиб нашр қилиш, драмалар ёзиш даромад манбаига айланди. Чунки, улар меҳнатига ҳақ белгиланди. Лекин томошага ҳақ тўлаш ва ижодкорни улуғлаш қадимги Римда ҳам, ўрта асрдаги Европада ҳам қадимги Греция даражасига кўтарила олмади. Энди ўрта аср ижодкорлари олдида хунаrlари учун юқори даражасида ҳақ тўлаш белгиланган ижод йўналишларини — санъат даражасига олиб чиқиш вазифаси турар эди.

Қишлоқлардан шаҳарларга пул ишлаш учун келаётган ижодкорлар кун кўриш учун ўзларини серққира бадий имкониятларини намоё қилишга мажбур эдилар. Шунинг учун бу даврдаги томоша турлари ижодкорлари серққира ижодкорлар бўлиб, улар — соз чалиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш, бадиҳагўйлик ва хикоя айтишни эплай оларди. Шароит тақоза қилганда улар серққира хунарини кўрсата олиши билан бирга яна қизиқчилик борасида ҳам илғор бўлса, у — гистирон яъни профессионал қизиқчи деб юритилган. Бу талаб ўрта аср ижодкорларини ва томоша санъатини янги бадий босқичга олиб чиқди.

Серққира ижоди билан турли томошалар кўрсата олганларни: Францияда — жанглёрлар; Германияда — шпильманлар; Полшада — франталар; Болгарияда — кукералар; Россияда — скоморохлар; Ўрта Осиёда — масхарабозлар деб аташган.

XII асрга келиб ижодкорлар сони кўпайиб кетди. “Қашшоқ кўпайса — машшоқ кўпаяди” дейди доно халқимиз. Файласуфлар эса бу жараёни — сон ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келади дейишади. Шундай бўлди, энди гистиронлардан — ҳар хил томоша турларини эплаши билан бирга уларни

санъат даражасида бажара олиши инобатга олинди. Ижодкорга бундай муносабат томоша турларини табақалашувига олиб келди.

Томоша турларини табақалашуви энди – созанда, ракс, кўшиқ, масхарабозлик, қизиқчилик, цирк йўналишларидаги энг зўр номерларни бир жойга— концертга жамлай бошлади. Бу, томоша турларини хунардан – санъат даражасига кўтарди. Концерт — лотинча курашиш, айтишу, яъни томошабин олдига якка туриб томошабини эътиборини қозониш учун курашиш маносини билдиради¹. Содда қилиб айтгандла концертдаги бошқа иштирокчиларга қараганда кўпроқ чапак – файз олиш учун курашдир.

Табақалашуш томоша турларига қараб: цирк санъати йўналишидаги масхарабозлар – буфонлар; эртакчилар, кўшиқчи ва созандалар – жанглёрлар; шеър, баллада, ракс ва кўшиқ тўқиб ижро қилувчилар – трубадурларга ажради. Қишлоқлардан келиб шаҳарларда ижод қилаётганлар, шу ерлик хунарымандларнинг исёнкор руҳини тез юқтириб олардилар. Натижада, уларнинг ижодларида ижтимоий турмушга муносабат пайдо бўларди. Бундайлар доим рухонийлар ва шаҳар хокимияти томонидан назоратга олинарди. Тўсиқлар гистиронларни ижодий уюшмаларга бирлаштирди. Уюшмалар ижодкорларни ўз табақаларига қараб химоя қиларди. Касбига қарата химоялаш кейинганиб профсоюз касаба уюшмаси деб номланди. Шундай қилиб кичик шаклдаги томошалар ижрочилари серқирра ижодкордан – яъни ҳамма нарсани эплашдан – битта номерни такрорланмас даражада – санъатга айлантириш жараёнини бошидан кечирди.

Миракль – диний мавзудаги томошалар.

Черковлар оммани дин таъсирига кўпроқ тортиш ва назорат қилиш учун томошаларни ибодатхона ичкарасига олдилар натижада, фақат диний мавзудаги томошаларга кенг йўл очилди. Диний ақидаларнинг халқни қалби ва онгига сингдириш мақсадидаги “черков драмалари” ўрта асрларда катта шаклдаги томоша турларининг бири бўлиб тарихга кирди. Бадиий ижодни, ижрони ўз назоратларига олган рухонийлар, ўзлари драматург, ижро

1

шартларини белгилайдиган режиссёр, ролларни ижро қилувчи актёрларга айландилар.

Бу қарор натижасида халқ орасидаги ижодкорлар ишсиз қолди. Диндорлар назорати маълум вақтгача жуда ривожланган халқ ижодини бўғиб қўйди. Рухонийлар ижроси лотин тилида бўлганлиги учун кўп англашилмовчиликларни пайдо қилди. Кейинчалик “черков драмалари”да чўпонлар ўз кийимларида пайдо бўлиши ва шевасида гапириши, Исо пайғамбарни воқеа содир бўлган жой аҳолиси шевасига қараб муносабатда бўлиши - ижро санъатига бир қатор янгиликларни олиб кирди.

Диний мўжизаларни театр эффектлари билан амалга оширилиши катта шаклдаги томоша санъатига янгича ёндошиш мумкинлигини асослади. Черковлар театр томошасини ривожлантира олишига кўзи етмади. Чунки, мавзунини чегараланган, илохий мўжизаларни намоён қилиш имкониятини ҳам чегараланаётганлигини улар англаб етдилар. Натижада, улар ибодатхона ичидаги томошаларни ташқарига - майдонларга олиб чиқдилар. Бу ҳам одамларни кўпроқ диний ақидаларга жалб қилиш мақсадида амалга оширилган режа эди.

Ибодатхоналардан ташқарига чиққан томошаларни шаҳар аҳли қувонч билан кутиб олди. Энди томошалар байрам кунларидан кейинги ҳам – дам олиш кунлари, бозор майдонларида, одамлар тўпланган жойларда кўрсатиларди. Майдон томошаларига шаҳар ахлининг – томошабинларининг талаби кўпроқ сингиб борар эди. Чунки, бу катта шаклдаги томошаларга энди рухонийлардан ташқари одатдагидай халқ орасидаги ижодкорлар ҳам аралашган эди.

XIII асрга келиб диний мавзу ўрнига халқ ҳаёти ва унинг ижодкорлик руҳини ёритган “Шийпондаги ўйин” номли пьеса яратилди. У аввал Парижда, сўнг Италияда намоёниш қилинди. Умуман диний мавзудан холи бу асар халқ орасида тезда машҳур бўлиб кетди.

Лекин, черковлар ҳам бу курашда бўш келмади. Улар ҳам ўз мақсадаларини амалга ошириш учун диний мавзудаги ижодини давом

эттирдилар. Уларга жавобан халқ орасидаги хажвий йўсиндаги фарслар ижодкорлари эса - жарчилар, лўттибоз хакимлар, сўқир етакловчи тамагирлар ифодаланган образларда хаётий воқеаларни намоён қилиб турди.

Моралите – катта шаклдаги ахлоқий томошалар.

Мистериянинг изланишлари ва тақиқлари навбатдаги босқичига “маралите” пайдо бўлишига шароит яратди. Маралите – лотинча ахлоқлилик маъносини англатиб, инсон қалби учун курашадиган драматир. XVI асрга келиб бу жанр Европада кенг тарқалди. Марлите христиан дини ахлоқларини тарғииб қилса ҳам диний сюжетлардан холи эди. Унинг яна бир ютуғи хаёт ҳақиқатига мосланган тўқнашув-конфликтлар асосида ёзилган драматургиясида эди¹. Лекин, бу тўқнашувлар рамзий: яхшини – ёмон билан; хотомтойни – хасис билан; ақллини – ахлоқ билан мунозарасига қурилар эди. Натижада, ақллилар тўғри йўлни топиб кетади, ахлоқлар эса шароит қурбони бўладилар.

Бу жанр катта шаклдаги томоша санъатини яна бир янги босқичга олиб чиқди. Хамда театрда эхтиросларни очиқ ишлатмасдан, қарама-қарши, зиддиятли воқеаларни таққослаш ва таҳлил қилиш орқали ҳам инсонни қалбини, туйғуларини тушуниш мумкинлигини амалда исботлаб берди. Шекспирнинг “Қиш эртаги” асарини шу жанрда талқин қилиш мумкин. Қолганлари эса бу жанр ўз даври учун хизмат қилиб бўлганлигини асослайди.

Байрамлардаги томоша турлари

Ўрта асрларга келиб байрамларнинг ғоявий юки ва эстетик тамойиллари яна ўзгарди. «Римлик дам олувчи шахс» диққат-эътибори энди черковларда ташкил қилинадиган 115 га яқин диний байрамларга қаратилди. Черковларнинг иқтисодий даражаси бу байрамларни тантанали, зебу – зийнатли қилиб нишонлаш имконини яратди². Бундай тадбирлар диннинг тантановор улуғворлигини намоёниш қилиш воситасига айланди.

¹

²

Диний ғояларни халқ онгига синдиришга бўлган бундай ҳаракат, конуний равишда кенг оммада унга қарама-қарши бўлган «очиқ майдон томошалари» - халқ сайилларини қайта тиклаш заруриятини кун тартибага қўйди. Бу ҳаракат эса ўрта аср Европа байрамлар тарихига “Тентаклар тантанаси” номи билан кирди.

“Тентаклар тантанаси” – ҳуқуқлари чегараланган халқнинг озодлик ва эркинлик ҳақидаги орзу-умидлари рўё эканлигини билдирадиган, захарханда, ижтимоий – оммавий тадбирлар сифатида юзага келди. Қувноқ ўйин-кулгулардан иборат майдон-сайил томошалари, йиллар давомида исканжада сақланган оммавий байрамларга нисбатан бўлган қаттиқ қўлликка - мистериячиларга қарши билдирилган ижтимоий муносабат эди¹.

Халқ сайиллари ҳамда байрамларининг қалби бўлган қизиқчилар, скоморохлар, масхарабозлар томоша кўрсатиш учун одамлар тўпланган жойга етиб келадиган, ҳаракатдаги сахна – педжент дейилган. У томоша кўрсатадиган, аҳоли тўпланган жойда театр пайдо бўлар эди. Аммо, бу театр кичик шаклдаги томоша – номерлар кўрсатиларди. Шундай қилиб, кўчиб юрувчи сахна - байрам тадбирларининг асосий иштирокчисига айланган.

Шаҳар аҳолисини кўпайиши муносабати билан педжентлар кўчиб юрадиган, энг қулай кичик шаклдаги томоша кўрсатиш мосламаси бўлиб қолди. Шунинг учун, педжентлар – байрам кунлари энг сермазмун ва сермахсул хизмат кўрсатадиган, байрам драмтургиясини ҳамда унинг ижро шаклини шаҳарма-шаҳар кўчиб юришига, оммавий тадбирларнинг ғоявий-бадий тақомиллашишига, халқнинг эстетик тарбиясига катта ҳисса қўшган кўчма театр бўлган дейиш мумкин.

Байрамларнинг навбатдаги бадий – эстетик ривож, эволюциясига, дворянларнинг тўқликка - шўхлик шаклидаги, ҳарбийлашган, рицарлар турнирини ўтказиш борасидаги, жуда пухта ўйланган сценарийлари асос бўлди. Юқори савияда ташкил қилинган бундай томошалар шаҳарликлар учун энг қизиқарли байрамга тадбирлар айланди. Бу шаклдаги

1

театрлаштирилган ҳарбий спорт мусобақаси, махсус кийим бош, қурол-аслаҳа, отлар, махсус майдон ва унинг ўзига хос безаклари билан оммавий томоша турини янада бойитди.

Уйғониш даври мутафаккирлари – «дворянларни олиб жисмоний куч – томоша асосини ташкил қилади» деган ғояси ўрнига, «оммавий байрамлар – инсонни маънавий бойитишга хизмат қилиши лозим»лиги ҳақидаги ғояни олиб кирдилар¹. Бу илғор ғоя байрам томошаларнинг такомиллашиш жараёнидаги навбатдаги босқич эди.

Энди байрам томошалари – жамиятнинг намунавий турмуш тарзи ифодасига айланиб, унда иштирок этганлар ўзларининг энг гўзал ва улуғвор фазилатларини намоён қилишга ҳаракат қила бошладилар. Кишиларнинг бир-бирига эстетик муносабатларини энг ёрқин кўринишларда намоён қилувчи бундай байрамлар, жамият учун идеал – намуна шаклини ўзида жамлаб, инсонларнинг маънавий бойишига хизмат қила бошлади. Шунинг учун, уйғониш даври, байрамга – “инсон онги ва табиатига ҳамоҳанг демократик турмуш тарзининг юксак ахлоқийлик намунаси”, деб баҳо беради. Бу байрамларнинг жамият маънавий ҳаётида тутган ғоявий ўрнига тўғри тушуниш, унга берилган юксак эстетик баҳо эди.

Байрамлар эволюциясининг навбатдаги босқичи француз революцияси бўлиб, у оммавий тадбирларни халқ ва давлат ғоялари билан бирлаштириб, умумхалқ тантанаси даражасидаги бадиий-эстетик босқичга кўтарди. Бунга, жамият сиёсий ҳаётидаги ҳар бир ўзгариш, халқнинг мақсади ва орзу-умидларини, юксак бадиий даражада, пухта ўйланган байрам тадбирлар воситасида амалга оширишга интилиш асос бўлган. Тантаналарда улар ўз ғоясини хор бўлиб ижро этишга 2,5 мингга яқин кишиларни жалб қилинган. Ғояни ифодолофчи хор махсус тайёргарликдан ва назоратдан ўтказилган. Бу ўз навбатида юксак тантанаворликни вужудга келтирган. Чунки, жамиятдаги барча кучларни бир ғоя атрофида бирлашиши, ниҳоятда улуғвор бўлган “омма қудрати”ни пайдо қилар эди.

1

Байрам ғоясининг ифодавий рамзи - бадий образини топилиши ва уни оммавий тадбирларда қўлланилиши, келгуси тантаналарнинг ғоявий - бадий ривожига асос бўлди. Бунга мисол қилиб, “Ақл-идрок” тантанасига бағишланган байрамда: “Ҳаёт”, “Меҳнат”, “Фан”, “Илм нури” номли гўзал ва улуғвор тушунчалар ифодасини ўзида жамлаган рамзий фигура - жиҳозларнинг тантанали намоишларини кўрсатиш мумкин¹.

“Ақл-идрок” рамзи ўрнатилган майдонга, танатана иштирокчилари бўлган - парижликлар тўпланишади. Рамзий фигура усти “қора мато” билан қопланган. Байрам иштирокчилари “қора матони” тортиб тушуриб “Ақл-идрок”ни эркинликка чиқаради. “Ақл-идрок” ялтираб, нурлар таратиб тантана иштирокчиларига завқу-шавқ бағишлайди. Улар қафас рамзи бўлган “қора мато” ни ёқиб юборадилар. Бу рамзий хатти-ҳаракат байрам иштирокчиларининг эҳтиросли ҳайкириқлари остида содир бўлади. “Ақл-идрок” ғалабасига гувоҳ бўлганлар уни атрофида қўшиқлар айтиб, рақсга тушадилар.

«Ақл – идрок» ғалабаси натижасида пайдо бўлган завқу-шавқни, гўзаллик ва улуғворлик тантанасини, бадий – эстетик туйғунинг жамият ҳаётини янгилашдаги аҳамиятини англаб етиш мумкин².

Байрамларни нишонлашда инсоният орттираётган ғоявийлик тажрибаси ва унинг бадий-эстетик, рамзий шакли катта шаҳарлардаги турмуш тарзининг кескин ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда содир бўлмоқда эди. Шундай қилиб байрамлар – кичик шаклдаги томоша турларини ўзида сақлаб, ғоявий бойитиб, янги босқичга олиб чиққан тадбирлари билан инсониятга хизмат қилишни давом этирмоқда эди.

1

2

II.Боб. Шарқ ва ғарб хордиқ маданиятининг ривожланиш босқичлари ва уларнинг таҳлили.

2.1. Ғарбда ёшларнинг бўш вақтлари “Оммавий маданият” мафкурачилари томонидан бадном қилиниши.

Ғарб мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий муносабатларда маънавиятни четга суриб қўйиб, фақат фойда кетидан қувиш оқибатида аҳолининг кенг қатламларида истеъмолчилик психологияси ривожланмоқда. Бунинг учун ҳатто «тажовузкор» реклама орқали одамлар онгига таъсир кўрсатилиб, улар дунёқараши қисман бошқарилмоқда. Ҳамма нарса, ҳатто одамларнинг ўзаро таниш-билишчилиги истеъмол товарига, маълум бир ҳолатларини чиқариш воситасига айланмоқда. Бу ҳолат, табиий равишда, ғарб жамияти маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Турли-туман реклама ахбороти одамларнинг фаол онгидан мумтоз адабиёт, санъат ва илм-фан берган билимларни онгнинг нофаол қатламига сиқиб чиқармоқда.

Француз социологи А.Моль фикрича «Бугун оддий ишчи ақлини «тўлдириш»да унинг метро афишасида ўқигани, радиодан эшитгани, кино ёки телевизорда кўргани, ишга боришда йўлда газетадан ўқиб олгани ёки ҳамкасблари ва қўни-қўшниларидан эшитгани кўпроқ роль ўйнайди: мактабдан эса фақат яримунут бўлган тушунчалар тугуни қолади холос»¹. Далил ва мулоҳазаларини жамлаган А.Моль «Маданият социодинамикаси» китобида шундай хулосага келган: «Бизнинг давримизда билимлар асосан таълим тизими орқали эмас, балки оммавий ахборот воситалари орқали шаклланади».

Ғарбда аксилмаданият деб аталмиш ҳодисанинг вужудга келишида реклама усуллари ва истеъмолчилик психологиясининг анчагина таъсири мавжуд. Аксилмаданият тушунчаси инсонга қарши турли зўравонликлар, фаҳш, қотиллик, қўрқув ва даҳшат, инсоннинг ҳайвоний ҳирслари, тубанлашувни тараннум этиш, жамиятдаги ахлоқий ва эстетик меъёрларни

1

инкор қилишни англатади. Биз бу ўринда аксилмаданиятни баъзи ҳақиқий бадиий асар савиясида юксак ишланган ва эзгулик тушунчаларига зид бўлмаган триллерлар- даҳшатли, кўрқинчли фильмлар- билан чалкаштирмаслигимиз даркор². Аксилмаданиятни вужудга келтирган асосий сабаб реклама эмас, балки ғарбдаги маънавият инқирозидир. Аммо аксилмаданият рекламанинг баъзи бир «ностандарт қилиқларидан», хусусан, истеъмолчининг эҳтиросини жунбушга келтириб, унга ҳар қандай усул билан, ҳатто мавжуд меъёрларни атайлаб инкор этиб бўлсада, тарғиб- ташвиқ этаётган ғояни (товарни, хизматни) эслатиб қолиш кабилардан намуна олган дейишимиз мумкин. Аксилмаданият маълум бир муаммолар туғдиришига қарамай, ғарб ижтимоий ҳаётида унчалик кучли аҳамият касб этмаяпти.

Ундан фарқли равишда дунё миқёсида, жумладан бизда ҳам оммавий маданиятнинг таъсири кучайиб бормоқда. Оммавий маданиятнинг асосий сифат мезони- ҳаммага тушунарли ва кўнгилочар бўлишида, бош мақсади- бўлса кўпроқ даромад олишдан иборат. У ўзига хос жанрлар: шоу, триллер, боевик, шлягер, комиксни вужудга келтирди. Уларнинг умумий моҳияти- индивидуализм, жисмоний куч ва зўравонлик ҳамда сексни тарғиб этиш, айрим ҳолларда ғоявий йўналишларда чиқишлар қилишдан иборат. Оммавий маданият чегараси «юлдузлар»ни кашф этиш билан тугайди, бунда сунъий равишда ёзувчилар, рассомлар, мусиқачилар, актёрлар, спортчилар оммалаштирилади, коммерция ва ғоябозлик мақсадида ўз- ўзидан пайдо бўлган талантлар «оқимга солиниб», улардан иқтисодий жиҳатдан фойдаланилади. Оммавий маданият ўзини намоён этишига кўра аксилмаданиятга айланиб қолмоқда. У кўнгил очар восита сифатида яшаб қолиш ҳуқуқига эга. Аммо хавфли томони шундаки, у ўзгармас истеъмол ва дидларга ўзини мослаб асл бадиий маданиятни четга суриб чиқариши мумкин. Унда у шахс, инсонни юксалтирувчи руҳий олам ва маънавият ўрнига кўнгилхушлик ва зўравонликни таклиф этади. Ҳозирги даврда оммавий ахборот воситалари, аудио- видеотехника, интернетнинг тараққиёти

оммавий маданиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Узоққа бориб ўтирмай, қўшиқчилик санъатини мисол келтириш мумкин.

Оммавий маданият бир қаноти билан умумий профессионал савияси орқали мумтоз маданиятга яқинлашса, иккинчи қаноти билан кўпинча авом, оломон дидига мослашганлиги, саёзлиги ва диднинг пастлиги туфайли аксилмаданиятга яқинлашиб боради¹. Ҳозирги даврда оммавий маданият ходисалари кўп жиҳатлари билан товар ва хизматнинг ўзига хос турига айланмоқда. Ушбу маънода рекламанинг ўзи ҳам оммавий маданиятнинг бир туридир.

Биз ғарбга ўз кадриятларимизни тикиштираётганимиз йўқ. Шунга қарамай, юртимиздаги ҳақиқий вазият билан танишгач, маҳалла ва оила сингари кадриятларимизга ҳавас ва ҳайрат билан қараётганлари ҳам анчагина. Жаҳон Олимпия қўмитаси раиси Жак Роже фикрига эътибор қаратсак, ҳамма нарса ойдинлашади: «Очиғи, сизга ҳавас билан қараймиз. Чунки сизнинг интиладиган порлоқ келажагингиз бор. Афсуски, аксарият ғарб ва океан ортидаги мамлакатларнинг келажаги йўқ. У ерларда аҳолининг 70-80 фоизини кексалар ташкил қилади. Бари айб ўзимизда... Сизларда бўлса аксинча- туғилиш, кўпайиш кўп. Сизлар эртанги кун умиди билан яшайсизлар. Фарзандларингиз соғлигини ўйлаб, уч босқичли спорт мусобақалари тизимини яратганингиз ҳам худди шу- келажак тўғрисидаги орзу- ўйларингиз ифодаси». Германиялик профессор Л.Левитин эса шундай ёзади: «Сизлар ўз маънавий маданиятингиз, турмуш тарзингиз ғарб мамлакатларига нисбатан устун эканлигини кўпинча билмайсизлар. Бошқа юртдан келганлар буни дарҳол сезиб, қалбдан хурсанд бўлишади. ғарб одами ўзини якка- ёлғиз ҳис этади¹. Ўзбеклардаги ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ўзаро ёрдам руҳи, одамлараро мулоқот маданияти, маҳалладаги меҳр-оқибатлилиқ ва бошқа шу каби фазилатлар бошқа халқларда йўқ ёки кам учрайдиган ҳодиса. Агар ўзбек якка- ёлғизликни ёқтирганда ҳам тарихан

¹
¹

таркиб топган анъаналар бунга йўқ қўймайди»². Яна бир мисол келтирсак, ортиқчалик қилмаса керак.

Европалик тадбиркор Ўзбекистонда 3- 4 йил муқим яшаб, тижорат қилибди. Сафари қариб, кетар вақти етганда камгап, ғамгин бўлиб қолибди. Боисини сўрашса, индамай, бош чайқар эмиш. Охири «кетар жафоси»га бағишлаб, ош қилишибди. Зарбоф тўн кийдиришибди. Ана шунда жаноб Байدل ўзбек ҳамкорларига ёрилибди:

«Шу пайтгача яхши пул топдим. Ўғлимга ёрдам қилиб келдим. Ватанимга қайтиб боргач, нафақага чиқсам, аввалгидек пул топа олмайман... Ҳеч кимга кераксиз предметга айланаман. Ўлсам, ўғлим билмайди. Билганда ҳам хафа бўлмайди.

Тўрт йил Ўзбекистонда яшадим. Қишлоқ, маҳаллаларда бўлдим. Ўзбекларнинг турмуши ҳақиқий, инсоний турмуш экан. Европада кексайганингда бебахтлик, хорлик бошланади. Ўзбекларда эса ҳаёт гаштини суриш бошланар экан.

Жисмим ғарбга кетаётир. Кўнглим Ўзбекистонда қолаётир», дебди намланган кўзларини жовдиратиб¹.

Бу не ҳол?

Бу- 61 ёшли инсоннинг, одамгарчилик ҳудудидан Ватани- худбинлик ҳудудига қайтаётган одамнинг видолашуви эмасми?

Бу- биз учун одатий, аммо ғарбда топилмайдиган асл ўзбек турмушига бир европаликнинг таъзими эмасми?..

Инсон маънавиятига таҳдидлар ва улардан ўзини онгли ҳимоя қилиш кўникмалари таълим- тарбия, бобо- момолар ўғити, ота- оналар ибрати, эзгулик ва ёвузликни ажрата билиш жараёнида шакллана боради.

Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлониининг «Тарбия биз учун ё ҳаёт- ё мамот, ё нажот- ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидир»² деган фикри ХХІ аср ибтидосида ҳам ўз долзарблигини сақлаб турибди. Чунки таълим-

2

1

2

тарбия- онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш орқалигина онгни ўзгартириш мумкин. Таълим ва тарбия ўзаро узвий боғлиқ шарқона тушунчалардир. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Шўро давридаги таълим- тарбия тизимининг энг номақбул томони шундан иборат эдики, ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аввало, уларнинг коммунистик ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш тамойили асосий ўринни эгалларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал- тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирарди. Бу тузумдан қолган мерос ичида шунга ўхшаш салбий асоратлар, афсуски, ҳозир ҳам сезилиб турибди.

Онгни бошқариш теχνологиялари

Ҳозирги даврга хос айрим ижтимоий жараёнларни кузатар эканмиз, улар Грамшининг маданий гегемония ҳақидаги таълимотига уйғун тарзда, унинг кўрсатмаларига мос равишда кечаётганини тан олишга мажбур бўламиз. Айрим ҳолларда ҳаттоки «бу жараёнлар Грамши таълимотига таянган ҳолда маҳсус ишлаб чиқилган ва мохирона амалга оширилган, аниқроғи, Грамши назариясининг қанчалик тўғри эканлигини тажрибада синаб кўриш учун ўтказилган операция эмасмикан», деган гумонга ҳам борасан киши.

Эътибор беринг. Грамшининг назариясига кўра, маданий гегемония ўрнатиш учун соғлом ақлни заифлаштириш ёки умуман «бартараф» этиш талаб этилади. Соғлом ақл «ўчирилгач» эса, инсонни ақл бовар қилмас афсона ва уйдирмаларга ишонтириш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда жаҳонда кенг ёйилаётган ана шундай чўпчак-мафкуралардан бири «евроцентризм» деб аталади. Номидан ҳам кўриниб турганидек, унда Фарбдан андоза олиш, унга тақдид қилиш тараққиётнинг бош омили эканлиги ўқтирилади. Евроцен-тризм ҳаммабопликка даъво қилаётган мафкура бўлиб, унга кўра, барча халқлар бир хил тараққиёт йўлини босиб ўтади, фақат ҳозирги кунда улар

тараққиётнинг турли босқичларида турганликлари боис, бир-биридан фарк қилади. Ўз тараққиёт йўлини белгилаётган жамиятларга нисбатан евроцентризм мафкурачилари «Ғарб изидан бор - бу энг яхши дунёлардан биридир», дея «маслахат» беради¹.

Аслида эса, яккаранг дунё кўриш ғояси чўпчакдан бошқа нарса эмас. Зеро, дунёда кўп сонли ранг-баранг маданиятларнинг биргаликда мавжуд бўлиши, бир-бирини тўлдириб, бойитиб туриши инсоният тараққиётининг зарурий шарти ҳисобланади. Ва инсониятнинг ҳеч бир бўлаги бутун дунёда ўз ҳаёт тарзини татбиқ этишга ҳақли эмас. Президент Ислон Каримов таъбири билан айтганда, теран миллий қадриятларни, одамларнинг ўзига ҳос хусусиятларини, анъаналарни сақлаб қолиш йўлидаги интилишлар миллатни сақлаб қолишга қаратилган табиий, объектив эҳтиёж саналади. «Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик: бўлмасин - инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак. Ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гуруҳларни ўз ичига олувчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир»¹. Бу фикрлар нафақат ғарбдан нусха кўчириш ғоясини пучга чиқаради, балки одамзодни бундай асоссиз афсоналарга қарши курашга чорлайди.

Евроцентризм мафкурасининг яна бир даъвосига кўра, капитализм қудратли ишлаб чиқарувчи кучларни шакллантиргани боис Ғарб ўз тараққиётида бошқалардан узиб кетди. Тараққиётда Ғарбдаи орқада қолган халқлар эса унга етиб олишлари учун ўз мамлакатларида айнан Ғарб намунасидаги капитализмни қарор топтиришлари зарур эмиш. Ваҳоланки, Ғарб капитализми муштамлакаларнинг ресурслари ҳисобига шакллантирилгани ҳеч кимга сир эмас. Масалан, Францияда аграр соҳада

1

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида: ҳавфсизликкатахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: «Ўзбекистон», 1997, 73-74-бетлар.

банд бўлганлар сони ортиб кетгач, XX асрнинг 20-йилларида бу муаммони ҳал қилиш учун Жазоир мустамлакага айлангирилди ва ерларнинг ярми француз мустамлакачилари ихтиёрига берилди. Ёки аксинча, АҚШда ерга ишлов бериш учун ишчи кучи тақчиллиги юзага келганда, Африканинг 100 миллион бақувват ва навқирон йигитлари қул қилиб олиб кетилгани, бироқ улардан бор-йўғи 9 миллионга яқини манзилга омон етиб борганини тарих далиллайди.

Ғарб намунасидаги капитализмни қарор топтириш негизида айнан маданий гегемония ўрнатиш мақсади яширинганини ҳам унутмаслик даркор. Моддийга берилиш, нафсни қондириш, буюмпарастлик каби қадриятларнинг сингдирилиши иқтисодий жараёнларни жадаллаштиради, чунки барча нарса сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган товарга айлантирилади. Фикрлар ва буюмларнинг, инсон танаси ва рухиятининг, табиат ва маданиятнинг товарга айлантирилиши замонавий капитализмнинг асосий хусусиятига айланмоқда. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, жамият ҳаётининг барча соҳаларида савдо-сотиқ муносабатлари устувор бўлмоқда, «емак ва томошалар» шиори остида инсонларда истеъмолчилик рухияти авж олдириляпти, «инсоннинг ҳамёни қаерда бўлса, унинг қалби ҳам ўша ерда» деган ҳалокатли ғоя сингдирилмоқда. Молпарастлик ва худбинликнинг шу тарика ҳаммабоп қадрият сифатида тикиштирилиши эса маънавиятни қашшоққлантириб, маданий гегемония ўрнатиш учун қулай замин яратиши табиийдир.

Евроцентризмнинг навбатдаги уйдирмаларидан бири - технологик афсона сифатида танилган. Унга кўра, айнан Ғарбда яратилган маданият, фалсафа, ҳуқуқ, фан ва технологиялар дунёда устуворлик қилмоқда ва инсоният тараққиётига белгиловчи таъсир кўрсатмоқда. Демак, бошқа халқлар томонидан илғор Ғарб маданиятининг ўзлаштирилиши уларнинг раънақига туртки бўлади.

Тан олиш керак, маданият уўзига жалб этадиган жозибали куч саналади. Кишиларда Ғарб маданиятига, Америка маданиятига тақлид қилишга

интилишни ҳам тан олмай иложимиз йўқ. Бу ҳолатни Америкалик олим З.Бжезинский қуйидагича таърифлайди: «Маданият соҳасида, унинг бир оз жунлигига қарамай, Америка, айниқса, жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса Америка Қушма Штатларига дунёнинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди»¹. Фикрини давом эттириб, З. Бжезинский яна шуларни ёзади: «Маданий устунлик Америка глобал куч-қудратининг муҳим жиҳати саналади. Айримлар ўзининг эстетик қадриятлари ҳақида нималарни ўйламасин, Америка оммавий маданияти, айниқса, жаҳон ёшларини оҳонрабо каби ўзига тортади. Унинг жозибадорлиги, эҳтимол, шу маданият орқали тарғиб қилинаётган ҳаётни севиш фалсафаси, ҳаёт сифати билан боғлиқдир, лекин Америка маданиятининг жозибадорлиги шак-шубҳасиздир. Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг қарийб тўртдан уч қисмини эгаллаган. Американинг оммабоп мусиқаси ҳам устувор мавқега эга, шунингдек, Америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишдаги одатлари ва ҳаттоки кийинишларига бутун дунёда тақлид қиладилар. Интернет - инглиз тилида ва компьютердаги сўзларнинг аксарият қисми Америкадан бўлиб, глобал мулоқотнинг мазмунига кучли таъсир ўтказади. Ва ниҳоят, Америка замонавий таълим олишга интилаётганлар учун ўзига хос Маккага айланган...»².

Дарҳақиқат, фан-техника тараққиёти глобаллашувнинг таркибий қисми саналади. Интернетнинг яратилиши эса илмий-техник соҳада инқилобий ўзгаришлар ясади. Интернет инглиз тилининг глобаллашувига кучли туртки берди. БМТ томонидан 5 тил — инглиз, француз, испан, рус ва хитой тиллари ҳалқаро мулоқот тили сифатида тан олинган бўлса- да, инглиз тили охирги йилларда кенг урф бўлди. Ахборот соҳасидаги устуворликни таъминлайдиган бу омиллар инсон онгига кучли таъсир ўтказиш ва уни бошқариш имкониятларини кенгайтди. Хусусан, жаҳон

¹ Бжезинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и геостратегические императивы. - М.: 1998, с. 36.

² Бжезинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и геостратегические императивы. - М.: 1998, с. 38.

медиахолдингларининг эгалари содир бўлган воқеа-ходисаларни ёритишда урғуларни ўзгартириш йўли билан ҳам томошабинда бу воқеликка нисбатан ўзлари истаган муносабатни шакллантириш қудратига эга. Ёшларга кучли таъсир кўрсагадиган Америка фильмлари восигасида кишиларга истаган фикрни, қадриятларни, кўрсатмаларни сингдириш имконияти бор. Интернет эса виртуал воқеликни шакллантириб, ундан фойдаланувчиларда маданиятнинг янги кўриниши кибермаданиятни қарор топтирмакда. Виртуал воқелик ва кибермаданият, ўз навбатида, кишиларнинг феъл-атворини осонликча программалаштириш имкониятини берапти.

Бироқ 3.Бжезинский томонидан жозибадор дея тасвирланган Ғарб маданиятида қандай қадриятлар тарғиб қилинмакда? Статистик маълумотларга кўра, ўша кўкларга кўтариб мақталаётган маданият эгаси бўлган ёш Америкалик 18 ёшга келиб, компьютер ўйинларидаги 40 мингга яқин қотилликнинг гувоҳи ёки «муаллифи» бўлиши аниқланган. Бундан ташқари, шундай навқирон ёшда у кинофильмлар орқали 200 мингга яқин (!) зўравонлик ҳаракатларининг шохиди бўлар экан¹. Бу жиҳатдан мутахассислар Ғарб маданиятига «ўлим ғоясини тарқатувчи маданият» сифатини бермакдалар. Бот-бот оммавий ахборот воситаларида шов-шувга сабаб бўлаётган ходисалар - мактаб ўқувчисининг ўз тенгдошлари ёки ўқитувчисига қарата ўқ отиши, қурол билан ўқталиши ана шу маданият таъсирида юз бераётган ходисалар эмасми?

Истеъмолчилик рухиятини авж олдириш, «роҳатланиш саноати»ни ривожлантириш, «ўлим маданияти»ни кенгейиш оқибатида ғарбда маънавий-ахлоқий таназзул кузатилмакда. Қадриятлар тизими оёғи осмондан келиб, илгари фазилат саналган нарсалар айбга, авваллари гуноҳ сифатида қораланган ҳаракатлар фазилатга айлантириляпти. Ғарб мамлакатларида жиноятчилик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, бесоқолбозлик каби иллатларнинг авж олиши, оилаларнинг бузилишига, туғилишнинг камайиши бунинг яққол далилидир. Маълумотларга кўра, АКШда 12 ёшгача қизлардан

¹ Лэроянц Э. Глобализация: катастрофа или путь к развитию? - М.: «Новый век», 2002, с. 40.

25 фоизининг номусига тажовуч қилинган. 1998 йил августида АКШда 8 яшар бола зўрлашда айбланиб қамалган. Америка эркакларининг 25 фоизига яқини бесоқолбоз экани аниқланган. Ҳар йили 200 мингга яқин бесоқолбозлар Лос-Анжелес кучаларида намойиш ўтказади¹. Ва бу ҳолат ахлоқнинг таназзули сифатида эмас, инсон эркинликларининг тантанаси сифатида талқин қилинади.

Яна бир манбаага кўура, Европада эр, хотин ва фарзандларнинг оилавий мажбуриятлардан «ҳалос этилиши» оқибатида оила институти барҳам топа бошлади, натижада 17 мамлакатда ўлим кўрсаткичлари туғилиш суръатларидан ортиб кетди. Бельгия, Болгария, Венгрия, Германия, Дания, Испания, Италия, Латвия, Литва, Португалия, Россия, Руминия, Словакия. Словения, Хорватия, Чехия ва Эстония каби давлатларда беланчаклардан кўра тобутларга бўлган эҳтиёж тобора ўсиб бормоқда.¹

... Бундай мисоллар Ғарбга тақлидчиликни тараққиётнинг бирдан-бир шарти сифатида тақдим этаётган афсоналарнинг мағзи пучлигини кўрсатади. Боз устига, бугунги воқелик Ғарбда жамият ич-ичидан емирилаётгани, ахлоқ инқирозга юз тутаётгани, тараққиёт орқага кетаётгани ҳақида гувоҳлик бермоқда.

Таассуфки, маданий гегемония ўрнатиш ўзга ҳудудларни ўз таъсир доирасига олиш, инсон онгини бошқаришнинг кенг тарқалган технологиясига айланыпти. «Онгни бошқариш» («манипуляция сознанием») атамасига олимлар қуйидагича таъриф беради: «Манипуляция - инсонларга таъсир кўрсатиш ҳаракати бўлиб, уларни моҳирона бошқариш, хусусан, уларга объект сифатида қараб, беписанд муносабатда бўлиш, зимдан бошқарув ёки таъсир этишдир»².

Манипуляция инсонлар феъл-атворини бошқаришни, аниқроғи, омманинг фикрлари ва интилишларини, уларнинг кайфияти ва рухий ҳолатини программалаштиришни назарда тутди. Онгни бошқариш

¹ *Азроянц Э.* Глобализация: катастрофа или путь к развитию? - М.: «Новый век». 2002, с. 58.

² *Кара-Мурза С.* Манипуляция сознанием. - М.: «Алгоритм», 2006, с. 15.

муаммосига бағишланган илк асарлардан бири немис олими Герберт Франкенинг 1964 йилда чоп этилган «Манипуляция қилинаётган инсон» китобидир. Бу асарида олим мазкур ходисага қуйидагича таъриф беради: «Кўпинча онгни бошқариш деганда яширин ҳолда амалга ошириладиган рухий таъсирни тушуниш керак ва демак, бу таъсир кимга йўналтирилган бўлса, ўша шахсларга зиён етказишга хизмат қилади»¹. Манипуляция-зўравонлик эмас, у инсонда бирор нарсага хавас туғдирувни васваса, уни йўлдан оздириш усулидир.

XX аср ижтимоий онгни бошқариш борасида бурилиш асри бўлди. Миллионлаб кишиларни бир вақтнинг ўзида жадал тарғибот билан қамраб олиш имконини берадиган янги технологик воситалар пайдо бўлди. Илгари тасаввур этиб бўлмайдиган кўламларда сиёсий томошалар қўйишга қодир режиссёр - ташкилотлар бўй кўрсатди.

Баъзан беозордек кўринган реклама ҳам маданий ўзакни қўпоришнинг кучли воситасига айланаётганини эътиборга оладиган бўлсак, «ғояга қарши ғоя билан курашиш зарурлиги» ҳақидаги фикрнинг аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз. Шундай экан, ўзлигимиздан махрум қилишга интилишларнинг пайини қирқишимиз, онгимизни бошқаришга уринишларга йўл бермаслигимиз керак.

Башарият тараққиёти туфайли инсон онгини бошқариш технологияларидан фойдаланиш имкониятлари чексиз кенгайди. Бундай технологияларни самарали қўллаш бўйича қимматли «маслаҳатлар» битилган назариялар ҳам кўпайди. Мазкур назарияларга хос умумий хусусият шундан иборатки, унинг муаллифлари онгни бошқариш учун, аввало, инсонларни тўдага, оломонга айлантириш зарурлигини, шундан кейин уларни исталган қўйга солиш мумкинлигини илмий «асослаб» беришга ҳаракат қилади.

Француз файласуфи Ги Деборнинг «Томоша жамияти» (1967 й.) асарида инсонларни тўдага айлантириш мақсадида ўй-хаёлдан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган. Унинг фикрича, онгни бошқариш

¹ Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. -М.: «Алгоритм», 2006., с. 16.

технологиялари шундай қудратга эгаки, улар ёрдамида реал ҳаёт, тарихий тажриба асосида тўпланган билим йўққа чиқарилиб, уни режиссёрлар томонидан сунъий шакллантирилган билимга алмаштириб қўйиш мумкин. Шу йўл билан инсонда «ҳаётнинг ўзи бир томоша» деган фикр пайдо қилинади. Унингча, «томоша жамияти»ни шакллантириш учун маданиятни тубдан ўзгартириш, ҳаёт билан томоша ўртасидаги чегарани онгли равишда йўқотиш, томошага хос хусусиятларни ҳаётга жорий этиш зарур.

Шунда одамлар «мароқли спектакл»даги қизиқарли ўзгаришларни нафасини ичига ютиб кузатаётган томошабинга айланиб қолади. Режиссёр эса сахна ортидан туриб, оммавий томошани киши билмас тизгинлар воситасида бошқариб туради. Натижада одамлар реал воқеликни идрок этиш хиссини йўқотиб, ҳақиқий ҳаёт қаердаю, ўйин қаерда бошланаётганини тушунолмай, гаранг бўлиб қолади. Ҳақиқий ҳаёт билан унинг сунъий инъикосини бир-биридан ажрата олмай қолган инсон онги фалажланади. Энг ёмони, томоша жамиятида инсонга барча нарсани ўйламай-нетмай қабул қилаверадиган пассив томошабин роли «раво қилади». Шу тариқа, томоша режиссёрлари инсон ақл-идроки ва орзу-истакларининг мутлоқ хўжайинига айланади.

Эътиборлиси шундаки, инсон онгини нишонга олган бу технологиялар сиёсий ҳаётга ҳам жадал кириб келмоқда. «Рангли инқилоб»лариинг режиссёрлари ҳокимиятни қўлга киритиш мақсадида сиёсий томошалар қўйишни ўзларига ҳунар қилиб оляпти. Бу ҳақда С.Тамбия қуйидагича ёзади: «Театрлаштирилган давлат ғояси замонавий демократик давлат шароитларига кучирилиб, мослаштирилди. Бу давлатларда сайловлар нафақат ҳокимият учун кураш ва ўзига хос мусобақа, балки мароқли томошага ҳам айлантирилди. Мохиятан сайловлар сиёсий томоша қўйиш учун жуда қулай жараён ҳисобланадн. Чунки айнан сайловларда дабдаба, ваҳима, зиддият, мусибат ва кульминация булиши кафолатланади»¹.

¹ Ги Дебор. Общество спектакля. - М.: «ЛОГОС», 2000. 397- б

Сиёсий томошаларнинг режиссёрлари томонидан тайёрланган сценарийга кўра, улар нишонга олган мамлакатда носоз сайловлар ўтказилаётганлиги ҳақидаги фикр уйғотишга зур берилади, шундагина уларнинг соҳалаштирилаётгани ҳақида инсонларда тасаввур туғдирши осонлашади. Юқорида зикр этилганидек, «рангли инқилоб»ларнинг асосий шартларидан бири фуқароларни томошабин-оломонга айлантиришдан иборат. Шу сабабли, «рангли инқилоблар»даги асосий томоша гиж-гижланган, жунбушга келган оломоннинг пойтахт кучаларидаги намоишлари кўринишига эга бўлади. Махсус техник ва бадиий воситалар ёрдамида қуйилган бу томоша оммавий ахборот воситалари орқали курсатилгач, «рангли инқилоблар» умумжаҳон миқёсида томоша қилинадиган спектаклга айланади.

«Рангли инқилоб»ларнинг сиёсий томошага айлантирилишининг яна бир жихати - шоу ва куй-қўшиқлар, турли мусиқа унинг муҳим таркибий қисми сифатида ишлатилишидир. Масалан, ҳаммамиз гувоҳи бўлганимиз Украинадаги «заргалдоқ инқилоб» давомида мусиқа доимий жўр бўлди.

Деярли барча машҳур рок-ашулачилар Майдонда тинмай қўшиқ қўйлаб, ўзига хос «байрам» кайфиятини яратиб турди. Оммавий онга таъсир қилишнинг бундай воситалари самараси улароқ сиёсатдан узоқ ит ва мушукларнинг бўйнига заргалдоқ ленталар боғланди. Сиёсий томоша карнавалга айланиб кетди.

Украинада қўлланган замонавий техник воситаларнинг таъсир кучи ҳақида В. Осипов шундай ёзади: «Қизиқ бир техник жиҳат ҳақида алоҳида тухталиш жоиз. Тасаввур қилинг: муҳолифат вакилларида бири катта майдонда чиқиш қилиб, бир шиорни баралла айтади. Шу лахзадаёқ лазер ёрдамида бу шиор уйларнинг деворларида нур, лазер графикаси ёрдамида ёритилади. Бундай таъсир қилишда барча шиорлар, барча фикрлар, уларнинг чин ёки сохта эканидан қатъи назар, ҳеч бир эътирозсиз ва муҳокамасиз қабул қилинади. Хиссиётлари жунбушга келган оломон бундай чақириқларга ҳеч бир мулоҳаза юритмасдан, уйлаб ҳам кўрмасдан «ха» дея жавоб

беради»³. Томоша мухитига тушиб қолган инсон соғлом фикрлаш, танқидий таҳлил қобилиятини йўқотади. Шу нуқтаи назардан, бугунги воқелик ҳар қандай давлат олдида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласини кундаланг қилиб қуймоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласининг дунё миқёсида қизгин муҳокама қилинаётгани ҳам бежиз эмас. Бундай муҳокамаларда ахборотнинг инсоният тараққиётидаги ижобий ролини таъкидлаш билан бир қаторда, ундан ҳалқаро барқарорлик ва хавфсизликка зиён етказиш мақсадида фойдаланиш ҳолатлари кескин қораланмоқда. Шунингдек, ахборот технологияларидан жинояткорона ва террористик мақсадларда фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида бонг урилмоқда. Ўз тараққиётининг мураккаб, ўтиш босқичини бошдан кечираётган мамлакатлар учун бу муаммо алоҳида долзарблик касб этади. Чунки мамлакат манфаатларига зид ахборот хуружлари унинг учун айниқса хавфли ва ҳалокатли тус олади.

Ана шундай таҳликали дунёда миллий мафкура давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ўзликни ҳимоя қилиш, маданий ўзига хосликни асраш ва ахборот хуружларидан ҳимояланишнинг маънавий-маърифий қуроли сифатида намоён бўлади. Одамлар онгини бошқариш ҳаракатида юрган кучларнинг домига тушиб қолмаслик учун Президентимизнинг ушбу кўрсатмаларига қатъий амал қилиш талаб этилади: «Мамлакатимиз ва унинг атрофида содир булаётган воқеа-ходисаларга доимий даҳлдорлик хисси билан яшашимиз даркор. Токи шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсон ана шу мураккаб жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабатига эга бўлсин, нима ҳақиқату нима бухтон ва уйдирма эканини англаб ета олсин. Чунки ҳозирги даврда, ҳалқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар туқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган ҳалқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати

³ Кара-Мурза С. Г. Экспорт революции. Ющенко, Саакашвили... - М.: «Алгоритм», 2005, с. 86.

билан кўришга кодир бўлади»⁴.шунинг учун ёшларнинг ҳар хил оқимларга ўралаши кириб қолмаслик учун ҳар биримиз маъсул бўлмоғимиз ва ҳушёр турмоғимиз лозим.

2.2. Шарқда хордиқ маданияти ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш воситаси сифатида.

Умуммеҳнаткашларнинг маданий дам олиш, ўз маънавий эҳтиёжларини қондиришга, истеъдод ва қобилиятларини ўстиришга қаратилган ижтимоий фойдали фаолиятни уюштирувчидир. Одамлар билан ишлашга даъват этилган маданий-маърифий ходимнинг қиёфасини ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак ахлоқий сифатларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки бу муассасалардаги ҳар бир оммавий тадбир, яккама-якка тартибдаги суҳбат, тўғарак ёки ҳаваскорлик уюшмасининг машғулотли одамларда ўз она юртига, халқига чуқур меҳр-оқибат, муҳаббат туйғуларини шаклланишига, маданий-маърифий ходимларнинг ўзида ватанпарварлик туйғуларини қанчалик мустаҳкам ўрин олганлигига, ўтказиладиган тадбирлар мазмунини янги мақсадга йўналтириш ва уларни бир йўлга сола билишига, тадбир қатнашувчиларида ижтимоий фойдали фазилатларининг шаклланишига ёрдам берадиган иш шакллари ва усулларини танлаб, улардан тўғри фойдалана олишга боғлиқ бўлади.

Маданий-маърифий муассасалар ходимлари меҳнаткашлари ўртасида ғоявий, сиёсий, оммавий, тарбиявий ишларни ташкил этишга, ишлаб чиқариш илғорлашишининг жойларда намунавий ҳаёт кечираётган аҳолиларнинг тажрибалари оммалаштиришга омманинг маданий дам олиши ва хордиқ чиқаришини уюштиришга, ижтимоий фикрни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ўтказадилар.

Маданий-маърифий ходимлар халққа хизмат қилади. Халқнинг маданиятини сақлайди, тарғиб қилади, янги маданият ва истироҳат, санъат

⁴ Инсон, унинг ҳаққ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Ўзбекистон овози», 2005 йил, 8 декабрь.

асарларининг пайдо бўлишида уларнинг роли ниҳоятда каттадир. Улар халқ хавфсизлигини ҳаваскорлик санъатини ўрганувчилар, ривожлантирувчилар, оммалаштирувчилар, унинг ижодини тараққий эттирувчилар ҳисобланади.

Жамият ривожланишига ўз хиссасини қўша оладиган ўтмиш авлодларининг илмий, жангавор, меҳнат маҳорати анъаналарининг, илғор тажрибаларини ва илмларини мерос қилиб олган маънавий пок, ахлоқий ва жисмоний баркамол, меҳнатсевар, инсонпарварлик ғояларига содиқ қобилиятини, изланувчан, бунёдкор, ижодкор шахсни шакллантириш, мустақил ватанимизнинг буюк келажагини яратувчи комил инсонни тарбиялаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бу тарбиянинг бўш йўли мақсади йўлида комил ишонч билан ҳаракат қиладиган ва қийинчиликни янги жамият қурувчилари тарбияси йўлидир, бу вазифаларни хал этиш ҳар бир киши маънавий ҳаётнинг барча асосий тамойилларини ривожлантириш демакдир.

Баркамол авлодни тарбиялашда маданий-маърифий муассасаларнинг аҳамияти ва ўрни беқиёсдир. Бу муассасалар омманинг ижтимоий-сиёсий, бадиий ҳаваскорлик ижодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг маданий дам олишини ташкил этиш омиллардан биридир.

Рекреатив сайилларда дам олиш ва ҳордиқ чиқариш асосий фўнкциядир. Календар байрамлари ва маросимларида дам олиш ва ҳордиқ чиқариш инсоннинг табиат билан муносабатга киришишидан кейин келади. Уларда табиатни ўз истакларига бўйсундириш, ундан бирор нарса сўраш, тилаш, хуллас, уни ўз саховатини аямасликка, қилган меҳнатига яраша тақдирлашга ундаш ётади. Ушбу компенсация фўнкцияси календар байрамлари ва маросимларида йитакчилик қиладди.

Рекреатив сайилларда эса кишининг оғир меҳнатдан кейинги психо физиологик, фаолликни нофаоллик, жисмоний меҳнатни ақлий меҳнат, ақлий меҳнатни ҳаёл, орзу, тилаклар ёки ҳазил- ўйинлар билан алмаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Рекреатив сайилларга «Ялпиз

сайли», «Гул сайли», «Тоғ сайли», «Дала сайли» каби халқимиз этник маданиятидан жой олган оммавий-маданий тадбирлар киради. Ялпиз сайли. Баҳордан дарак берувчи ялпиз сой бўйларида ва ариқ лабларида бўй чўза бошлаши биланоқ ёш қизалоқлар, бўй йитган қизлар ва аёллар ялпиз сайлига ошиқади. Ялпиз сайлига ё дугоналар йиғилишиб, ё оилавий бўлиб чиқилади. Аёллар ялпизлардан териб, омонлик-сомонлик қилишади, соф хавода давра куриб ўтириб, ўзлари билан олиб келган турли егуликлардан тановул қилади, кўшиқ айтиб, рақсга тушади, табиат кўйнида мириқиб дам олади.

Гул сайли. Гул - яхшилик, ҳиммат, гўзаллик рамзидир. Гулни ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ёру-дўстларга тақдим этиш, ўзаро бири-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини гул билан изҳор қилиш анъанаси кишиларни эзгў ният, меҳр-оқибат, шафқат ва диёнат рўҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам халқимиз этник маданиятида гул сайллари «Бойчечак сайли», «Бинафша сайли», «Чучмомо сайли», «Қизил гул сайли», «Лола сайли» кенг ўрин олган. Бу сайлларнинг асосий субъектлари - аёллар ва қизлардир. Хоразм ва Бухорода «Қизил гул сайли», Фарғона водийси ва Тошкент атрофларида «Лола сайли», тоғли Денов туманларида «Сумбула» сайли, «Бойчечак» сайли уюштирилган.⁵ Лола сайли қадимда «Гули сурх» («Қизил гул») деб аталган.

У ижтимоий моҳияти ва мазмунига кўра, кишиларнинг дам олиш, кўнгил очиш, ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган маросимдир. Лола сайлида нафақат лола, шу билан бирга чучмомолар, қоқигуллар, қизғалдоқлар териш, уларни бир-бирларидан ажратиш, бошқаларга ҳадя этиш анъана бўлган. Қизлар ва ёш қизалоқлар тўпланиб боғларда гуллар теришган, сочларига толбаргак тўқишган. Толбаргакни сочларига тақиб, ўйин-кулгу қилишган. Баҳорлашиб келиш. Эрта баҳорда шаҳар қизларини қишлоқлардаги қариндошлари, дугоналари «баҳорлашиб

⁵ Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. -Т.: Шарқ. 2002. -85-6.

кетинглар» деб, ўз қишлоқларига меҳмонга таклиф қилишган. Қиш бўйи зериккан, баҳорни соғинган қизлар араваларда қишлоққа йўл олишган, йўл бўйи лапар ва қўшиқлар айтиб, хурсандчилик қилиб боришган.

Қишлоқда уларни хар кеч бир хонадон сохибаси меҳмонга чақирган. Қизлар дотор, дойра чалиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушишган, шеърхонлик, ғазалхонлик қилишган. Меҳмон қизлар қишлоқда бир неча кун хордиқ чиқаришган, қишлоқнинг сўлим, жойларида сайр қилишган. Шу билан биргаликда шаҳарлик қизлар қишлоқ одамлари турмуш-тарзи билан яқиндан танишишган, қишлоқ хотин-қизлари билан фикр алмашишган. Дугоналарни бир-бирлариникига меҳмонга боришлари бир ёқлама бўлмай, қишлоқ қизларининг ҳам шаҳарлик дугоналариникига меҳмонга бориш анъаналари бўлган. Дугоналар ўртасидаги борди-келдининг иштирокчилари фақат турмуш қурмаган ёш қизлар бўлмаган, уларга ҳамроҳ қилиб баъзан ёши улуғроқ аёллардан бирортаси юборилган. Қишлоқ қизлари ҳам ўз навбатида шаҳарда яйраб дам олган, 60 та шаҳар ҳаёти билан танишган.

Халқимиз этник маданиятига хос ушбу меҳмоннавозликнинг эътиборга лойиқ томони шундаки, меҳмонга чақирувчилар фақат бой хонадон сохиблари бўлмай, чор-ночор кун кўраётган хонадон сохиблари ҳам бу анъанадан четда қолмаган. Дугоналараро меҳмонга борадиган қизлар асосан бўй йитган қизлар бўлганлиги, балки, улар кейинги баҳоргача турмушга узатилиб кетиши мумкинлиги ва ҳеч қачон дугоналари даврасида қизлик давридагидек яйраб, ўйнаб кулолмаслиги учун ҳам оналар қўлларида келганича бу анъанани ўтказишга ҳаракат қилган.

Бу анъана орқали шаҳар ва қишлоқ қизлари бир-бирларидан пазандалик, тўқиш ва тикиш сирларини, уй тутишни, ўзаро муомала маданиятини, меҳмон кутиш одобини ўрганган. Бир-бирлари билан фикр алмашиб, кекса ёшдаги аёллардан турмуш сабоқлари тўғрисидаги ҳикоя ва ривоятларни тинглаб, ўз дунёқарашини оширган. Тоғ сайлига:

а) баҳорда тоғ лоласи очилганида;

- б) ёзнинг жазирама кунларида ҳаво алмаштириш ниятида;
- в) куз фаслида «дўлана сайли»га;
- г) қиш фаслида «қор сайли»га чиқишган.

«Тоғ сайли»га одатда оилавий ёки тенгдошлар йиғилишиб чиқиш анъана бўлган. Ёшлар тоғ этагида ўйин-кулгу қилишган, ўз кучига ишонганлар тоғ чўққисига кўтарилган. Улар тоғ чўққисида туриб дилларидаги ниятларини айтган. Ўзлари билан олиб чиқган идишларда тоғ чўққисидан пастда қолганларга қор олиб тушган.

«Тоғ сайли» биринчидан, қишига зарур об-ҳавода бўлиш, мухитни ўзгартириш имконини беради. Иккинчидан, киши уй-рўзғор, кундалиқ ташвишларини унутиб, гўзал табиат қўйнида дам олади. Учинчидан, киши ўз мухити ташвишлари билан ўралашиб қолмай, балки тоғли халқларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити, урф-одатлари билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Бу эса унда ҳаёт ранг-баранглигидан баҳра олиш кўникмасини шакллантиради. Боғ сайли ўзбек этник маданиятида жуда қадимий маросимлиги билан ажралиб туради. Илгари қизалоқлар ўғай болалар билан «Қувлашмачоқ», «Бекинмачоқ», «Жами-жами», «Оқ теракми-кўк терак», «Қизил дуррача» каби кўплаб соғломлаштириш, «Тез айтиш», «Топишмоқ айтиш», «Мақол айтиш», «Эртак айтиш» каби ақлий ўйинлар ўйнаган. Шу билан биргаликда фақат қизларга хос «Хола-хола», «Қўғирчоқ», «Уй-уй», «Меҳмон-меҳмон», «Она-бола» ўйинлари мавжуд эди. У Қарбоевнинг ёзишига кўра, «Ҳаммабоп ўйинлар билан бир қаторда ўғил болалар ва қизлар ўйинлари, кейинчалик эса эркак ва аёллар ўйинлари бўлган... Ўғил ва қиз болаларга хос инстинкт 2-3 ёшдан намоён бўла бошлайди. Масалан, ёш қизчаларда қўғирчоқ ўйинига мойиллик сезилса, ўғил болалар эса иш ва уруш қуролларига ўхшаш ўйинчоқлар танлаб ўйнашади... Қизлар эса: «Дурра», «Чори-чанбар», «Тортишмачоқ»,

«Болкон-болкон», «Анақай», «Бакки (Чеқимтош, Туппа тош)», «Қоз-қоз» каби ўйинлар ўйнашган.»¹

Қизларнинг 9-10 ёшга тўлганларидан кейин, ўғил болалар билан бирга ўйнаши уят ҳисобланган. Қизлар бегона кишиларнинг кўзи тушмайдиган пана жойларда, боғларда тўпланиб, ўйин-кулгу қилишган, дам олишган. Мисол учун, қизлардан бирининг боғида тўпланишиб, мевали дарахтнинг шохига арқон осиб, арғимчоқ учишган. Одатда арғимчоқлар мевасиз дарахтнинг шохига осилмаган, сабаби қизлар келажакда фарзандсиз бўлиб қолмасин, деган ирим бўлган. Бир қарашда арзимас туюладиган ушбу ирим-сирим ҳам ўзбек халқи этник маданиятида болажонлик нақадар муҳим ўрин тутганини кўрсатади.

«Боғ сайли» халқимиз орасида жуда оммалашиб кетган анъаналардан биридир. Бугун Ўзбекистоннинг деярли барча шаҳар ва туман марказларида истироҳат боғлари мавжуд.

Уларда нафақат яшил ўсимликлар, гуллар ва дарахтлар, балки, турли ўйинхоналар, тамаддихоналар, рақсхоналар, кўл, чўмилиш жойларй ва шунга ўхшаш дам олиш ўчоқлари фаолият кўрсатади.

Дала сайлида халқимизнинг йирга, она заминимизга чексиз меҳр-мухаббати намоён бўлади. Ундан мақсад дала, дарё бўйлари, адир ва тоғлар, ўрмон жойларга бориб сайр қилиш, табиат гўзаллигидан, соф ҳаводан, ўсимликларнинг, гулларнинг муаттар хидлари, чиройи, зилол сувларнинг салқинидан баҳраманд бўлишдир. Аёллар дала сайлида кўшиқ айтиб, дилида йиғилган ҳис-туйғуларини куй орқали ифодалаш имконига эга бўлади. Шунинг учун, у кишига бадиий-эстетик завқ беради, 62 кўнгилли дам олишни таъминлайди, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди. Ҳозирги кунда баъзи (кўпроқ шаҳарлик) аёллар ўз «Гап»ини дала сайлида ўтказмоқдаларки, бу маросим иштирокчиларига мароқли дам олиш, роҳатланиб чўмилиш, гул териш ва турли мевалардан баҳраманд

¹ Қорабоев У. Ўзбек халқ ўйинлари. -Т.: Санъат, 2001. -27-6.

бўлиш имконини бермоқда. Табиат билан боғлиқ маросимларда кишиларимизнинг борлиққа, ён-атрофга, дунёнинг онтологик асосларига бўлган муносабатлари ўз аксини топади. Уларда аجدодларимизнинг фаровон турмуш кечириши учун муҳим бўлган табиат ходисаларига, сув, йир, ҳавога бевосита мурожаат этиш каби мифологик тасаввурлари ҳам уйғунлашиб келади.

Худди шунингдек, табиат билан боғлиқ маросимларда календар байрамлари ва рекреатив белгиларни ҳам кўриш мумкин. Лекин, улардаги бош мақсад табиатни инсон илтижоларига мувофиқ раҳмдил, меҳрибон, саҳий бўлишга ундашдир. Табиат билан боғлиқ маросимларга «Сус хотин», «Сувда чўмилиш», «Олов хотин», «Чой момо» кабиларни киритиш мумкин. «Сус хотин» маросими Ўрта Осиё халқларининг сувга бўлган баланд эътиқодидан келиб чиққан. «Қадимдан Ўрта Осиё халқлари икки хил йўл билан суғориладиган дехқончилик билан шуғулланиб келганлар. Булар: сўнъий ҳамда табиий суғоришга асосланган дехқончилик районларидан иборат. Сўнъий суғоришга асосланмаган территорияларда яшовчи аҳоли баҳор ойларида ёгин бўлмай қурғоқчилик бошланса, «Сус хотин», «Сут хотин», «Сув хотин», «Чала хотин» каби бир неча номлар билан юритилувчи ёмғир чақириш маросимларини ўтказишган.»¹

«Сус хотин» зардуштийлик давридан буён мавжуд бўлган маросимлардан бири бўлиб, у:

- маросимни ташкил этиш;
- маросимни ўтказиш;
- ис чиқариш тартибида ўтказилган.

Баҳорда ёмғир ёғмай, қурғоқчилик бўлиши чорванинг қирилиб кетишига, очарчиликка олиб келган. Қадимда кишилар қурғоқчилик сабаби гуноҳдарнинг кўпайиб кетганлигида деб билишган. Қишлоқ оқсоқоллари сўзга чечан, ташкилотчи аёлларни чақириб, уларга «Сус хотин»

¹ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Т.: Фан. 1986. -65-6.

маросимини ташкил этиш ҳақида кўрсатма берган. Маросимни ўтказиш вақтида ўт-ўлан, майда шох-шаббадан улкан аёл қиёфасидаги «Сус хотин» гавдаси ясалган. Уни тиклаб қўйиб, атрофидан айланган ҳолда «Сус хотин» термалари айтилиб, маросим ижро этилган. Ҳар ким челақда, кўза-ю косада, ҳатто кўлида ариқдан сув олиб, «Сус хотин»га сепган... Албатта, бу одат ҳафтанинг хосиятли кунлари саналган якшанба, пайшанба, жума кунлари ўтказилган. Маросимда қуйидаги қўшиқ қуйланган:

Ҳаволарни ёғдиргин, сус хотин,

Буғдойларни бўлдиргин, сус хотин.

Осмондан томчи ташлаб, сус хотин,

Элу юртни тўйдиргин, сус хотин.

«Сус хотин» қўшиғини бир аёл айтиб турган, унинг нақорат қисмини ҳамма барабар такрорлаган:

Сус хотин, султон хотин,

Кўланкаси майдон хотин,

Сус хотинга не керак?

Шаррос, шаррос ёмғир керак.

Сўнгги босқичда махсус жойда бутун аҳоли номидан ис чиқарилган. Зардуштийликка хос куйгина маросимлар ўзбек этник маданиятидан жой олган. Тўғри, уларнинг барчаси сақланиб қолган эмас, айримлари ё трансформацияга учраган ёки унутилган. Шундай маросимлардан бири «Ўт она», «Олов аёл»дир. Бу маросим учун тажрибали, масъулиятли, зардуштийлар урф-одатларини билган аёл танлаб олинган ва у ўз вазифасини (ўтни асраш) бажаришга махсус расм-русумлар бажарилганидан кейин киришган. «Чой момо» маросими кучли бўрон ёки тўфонни оғир меҳнат билан йитиштирилган экинларни пайхон қилмасликка, мева-чеваларни бевақт тўкмасликка чақиришга қаратилгандир. Маросим қатнашчилари асосан аёллар бўлиб, улар шамол хомийсидан табиатдаги ёвўз кучларни жиловлашни сўрашган.

Албатта, халқимизнинг рекреатив - дам олиш ва ҳордиқ чиқариш анъаналари кейинги йилларда кескин трансформацияга учрамокда. Ушбу новацион ва инновацион ўзгаришлар табиий холдир, аммо халқимиз этник маданиятидаги ўз қимматини йўқотмаган дам олиш ва ҳордиқ чиқариш анъаналарини асраш, улардан самарали фойдаланиш ҳам муҳимдир. Соғлом жамият, Э. Фром айтганидек, фақат «шахс эрки ва эҳтиёжларини қондиришга муносиб шарт-шароитлар» яратиш билангина эмас, шу билан бирга халқ, миллат этник маданияти, этнопсихологиясига ва анъаналарига таянган ҳолдагина барпо этилади. Ана шундагина жамиятда инқилобларсиз, ағдар-тўнтарсиз эволюцион ривожланиш таъминланади.

Бўш вақт ва ундан фойдаланиш ижтимоий ҳаётга жалб этишнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Вақтга муносабат - ҳаётга муносабат, кишининг ўз бурчига, ҳаётий мақсадларига муносабатидир. «Вақтимизнинг бир қисмини тортиб оладилар, деб ёзган эди бундан икки минг йил олдин Сенека,- бир қисмини ўғирлайдилар, бир қисми эса беҳуда ўтади. Бироқ ҳаммасидан уятлиси, уни ўзимизнинг бефарқлигимиз туфайли йўқолганидир.»⁶

Вақтнинг ижтимоий аҳамияти ошиб бораётган ва шахснинг фаол ҳаёт тарзи учун имкониятлар кенгайган ҳозирги пайтда вақтнинг қадрига етмаслик мумкин эмас. Чунки, вақт борлиқни, ўз навбатида инсоннинг ҳам ўзгаришини белгиловчи меъёрдир. Шунинг учун ҳам маданиятшунослар бўш вақтни инсон ижодий фаолиятидаги жараёнлар билан диалектик боғлиқликда ўрганади ва инсондаги ижодий кучларнинг рўёбга чиқишини бўш вақтнинг ҳажми ва ундан фойдаланиш кўникмалари билан боғлайди.

Халқимизнинг кунига неча соат бўш вақти борлигини айтиш қийин, чунки бу борада расмий ҳам, илмий ҳам кузатиш ўтказилмаган.

⁶ Сенека. Нравственные писмак Лицулию. Кемерово. Кн. Изд., 1986. -с. 5.

Халқимиз тафаккури ва этнопсихологиясида ўз халқига хос анъаналарни сақлаб қолиш, хатто турмуш кийинчиликларига чидаб бўлса-да, аجدодларимиз тарихий-маданий меросини асраш, уни келгўси авлодларга йитказиш хусусияти мавжуд. Ўзбек халқининг ушбу этномаданий белгиларидан миллий истиқлол нуқтаи назаридан рационал фойдаланиш, уларни халқ ижоди ва санъатини ривожлантиришга йўналтириш, энг мухими ижтимоий-маданий ҳаётимизда рўй бераётган новацион ва инновацион ўзгаришларга, жамиятии модернизациялаш жараёнларига халқимизни кенгроқ ва дадил жалб этиш зарур. Этник маданиятнинг мавжудлик шарти, уни ижтимоий-маданий ҳаётда тарихий-маданий парадигма сифатида барқарор бўлиши халқимизнинг маънавий-маданий қизиқишларига бевосита боғлиқдир. Ушбу қизиқишлар қанчалик ранг-баранг ва замонавий эҳтиёжларга, талабларга жавоб берса, бир томондан, анъанавий маданият (этник маданият)ни авайлаб асраш учун муҳим ижодий муҳит яратилган, иккинчи томондан, этник маданиятни модернизациялаш орқали уни ижтимоий ҳаётнинг реал (ижтимоий-маданий) муаммоларини хал этиш воситаси топилган бўлади.

III. Боб. Маданий-маърифий муассасаларининг бугунги кундаги аҳволи ва амалий аҳамияти.

3.1. Маданий-маърифий муассасаларда ходимлар фаолияти ва уларнинг вазифалари.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин тарихан қисқа вақт ичида иқтисодий, ижтимоий- сиёсий ва маданий – маърифий соҳаларда жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Чунончи, ўз тарихини ўрганиш улуғ аجدодлар қолдирган бой маданий – маънавий меросни ўрганишга эга бўлди, ўзликни англаши, миллий ғурури қайта тикланди.

Республикаимизда илм-фан ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди. Ушбу қўлланилаётган ижобий ишларнинг барчаси келажагимиз таянчи ҳисобланган ёшларни ҳар томонлама ҳам жисмонан, ҳам маънавий баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган.

Зеро, келажак ижодкори ҳисобланган ёшлар онгида Миллий истиқлол гоёси ва мафкурасини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, миллий маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашни давр тақозо этмоқда. Бугунги кун тараққиёт, маънавий мустақиллик ўзини англаган, яъни ўз она тили, ёзуви, маданият тарихини пухта билган, ўз халқининг урф-одатларидан, одоб ахлоқ нормаларидан, анъаналаридан хабардор бўлган кишигина жамият ҳаётида фаол иштирок эта олишини кўрсатмоқда.

Мустақил Ватанимиз янги ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил қадамлар билан одимланиб борар экан, жаҳон сахнасида келажаги буюк давлат деган бир орзу интилиш билан намоён бўлмоқда. Маълумки, ҳар бир давлатнинг равнақи, унинг фуқароларини салоҳияти, билимдонлиги, ишонч-эътиқоди, ҳамда шунга муносиб тарзда ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиши билан чамбарчас боғлиқ.

Шундай экан ёш давлат учун эртанги кунимиз эгаси бўлган болаларни тарбиялаш, шубҳасиз, биринчи сонли муаммо ва тадбирлардан ҳисобланади. Бугун биз болаларни тарбиялашда ҳалоллик, тўғрилиқни, байроқ қилиб олишимиз, бузилган мафкурамизни тиклашимиз, имон-эътиқодига суянган ҳолда бошлашимиз лозим бўлади.

Болага таълим ва тарбия бериш жараёнида асосан билим ва одоб-ахлоқ, маънавий озиқ бериш билан бир қаторда уларнинг бўш вақтларини мазмунли, бирор касб ва ҳунар маҳоратини такомиллаштиришга қаратган ҳолда ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Жамият маънавий тараққиётини белгилайдиган болалар тарбияси билан нафақат давлат балки тегишли вазирликлар, ҳар бир идора, корхона, маданий-маърифий муассасалар ўз ватани шанини юксалтирган ҳар бир инсон шуғалланиши керак.

Болалар тарбияси хурлик масаласига ҳар доим кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида қарашимиз лозим. Уларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати ўз вақтида баҳоланиши, тўғри йўлга солиниши керак.

Болалар бир неча поғонада тарбия топадилар. Бунга оила, боғча, мактаб, маҳалла ва бошқа муассасалар киради. Бугунги кунда мактаб ва таълим даргоҳларидан кейин бола қолган бўш вақтини қандай ўтказади? Бу иш билан оила бошлиқлари мунтазам шуғуллана оляптиларми? Ёшлар ҳаётида дуч келаётган шундай муаммоларни ҳал қилиш учун маданий-маърифий соҳани ривожлантириш, маданий- маърифий ходимга янгича фикр, мулоҳаза ва ғоялар бериш лозим.

Ёшларни комил инсон бўлиб шаклланишида маданий- маърифий ходимнинг ўрни бекиёс. **Президентимиз И.А. Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлар ва тараққиёт кафолатлари”** асарида, “Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳатларнинг мазмуни ва мақсади Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, дини ва маслагидан қатъий назар шахс сифатида намоён этиш ўз ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий бойроқ қилиш имконияга эга бўладиган шартларни яратишдан иборат”, - деб такидлайди. Шу мақсадни кўзлаб Ўзбекистонда “Ижтимоий фикр, жамоатчилик маркази тузилди ва ўз ишини бошлади. Мазкур марказни тузишдан мақсад, Ўзбекистонда барча демократик ислоҳатларнинг чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролар, жамият ва давлат манфаатини тадқиқ қилиш, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги моҳиятини ўрганиш билан шуғулланувчи ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотдир. Шу билан бирга ҳокимият идоралари билан жамиятнинг ўзаро таъсири, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий – маърифий, маданий янгиланишни чуқурлаштириш масалалари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар ривожининг бошқа долзарб муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш, кишилар дунё қарашини шаклланишидаги жараён ва тамойилларини сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онгнинг ҳолати ва

мазмунини аниқлаш, ўрганиш, маданий ривожланишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Маданий-маърифий ходимнинг малакали фаолияти ўз моҳияти билан тарбиявий ишдир. Унинг асосий вазифаси ҳар томонламо камол топган шахсни шакллантиришдан иборатдир.

Маданий-маърифий ходим мустақил Ўзбекистоннинг миллий сиёсатини тарғиботчиси, меҳнат ва ахлоқий жиҳатдан кишиларни тарбиялаш оммавий ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантириш маънавий баркамол инсонни тарбиялаш иши билан шуғулланади. У меҳнаткашларнинг маданий дам олишига, ўз маънавий эҳтиёжларини қондиришга истеъдод ва қобилиятларини ўстиришга қаратилган ижтимоий фойдали фаолиятини уюштирувчидир.

Одамлар билан ва одамлар учун ишлашга дават этилган маданий-маърифий ходимнинг қиёфасини ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак ахлоқий сифатларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки бу муассасалардаги бир оммавий тадбир, яккама-якка тартибдаги суҳбат, тўғарак ёк ҳаваскорлик уюшмасининг машғулоти одамларда ўз она юртига, халқига чуқур меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришга, ватанпарварлик хиссини мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак. Бу эса маданий-маърифий ходимнинг ўзида ватанпарварлик туйғуларини қанчалик чуқур ва мустаҳкам ўрин олганлигига, ўтказиладиган тадбирлар мазмунини ягона маданий-маърифий мақсадга йўналтира билишга, тадбир қатнашчиларида иштимой фойдали фазилатларнинг шаклланишига ёрдам берадиган иш шакллари ва усуллари танлаб, улардан тўғри фойдална олишига боғлиқ бўлади.

Маданий-маърифий муассасалар ходимлари меҳнаткашлар ўртасида ғоявий-сиёвий оммавий-тарбиявий ишларни ташкил этишга, ишлаб чиқариш илғорларининг жойларда намунали ҳаёт кечираётган оилаларни тажрибаларини оммалаштиришга, омманинг маданий дам олиши ва ҳордиқ чиқаришини уюштиришга ижтимоий фикрни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ўтказадилар.

Маданий-маърифий ходимлар халққа хизмат қилади, халқнинг маданиятини сақлайди, тарғиб қилади, янги маданият ва санъат асарларининг пайдо бўлишида уларнинг роли ниҳоятда каттадир. Улар халқ хаваскорлик санъатини ўрганувчилар, ривожлантиришувчилар, оммалаштирувчилар, унинг ижодиётини тараққий эттирувчилар ҳисобланади.

Жамият ривожига ўз хиссасини қўша оладиган ўтмиш авлодларнинг илмий жанговар, меҳнат шухрати анъаналарини илғор тажрибаларни ва билимларни мерос қилиб олган. Маънавий пок, ақлокий ва жисмоний баркамол, меҳнатсевар, инсонпарварлик ғояларига содиқ қобилиятли, изланувчи бунёдкор шахсни шакллантириш, мустақил ватанимизнинг буюк келажагини яратувчи комил инсон тарбияси долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу тарбиянинг бош йўли- маданий-маърифий мақсад йўлида комил инсон билан ҳаракат қиладиган ва қийинчиликларни енгадиган олийжаноб, инсонпарвар кишини – янги жамият қурувчисини тарбиялаш йўлидир. Бу вазифани хал этиш ҳар бир киши маънавий ҳаётининг барча асосий тамонларини ривожлантириш демакдир.

Баркамол шахсни тарбиялашда маданий-маърифий муассасаларнинг аҳамияти ва ўрни беқиёс. Бу муассасалардаги тарбия усули мактабларда, олий ўқув юртларида қабул қилинган тарбия усулидан тубдан фарқ қилади. Маданий-маърифий муассасалардаги миллий мафкуравий тарбия ишлари умумий педагогиканинг таълим ва тарбия тамойилларига асосланади.

Маданий-маърифий муассасалар тарбиявий ишларни амалга оширишда бу даргоҳга келувчиларнинг кўнгиллигига таянади. Чунки бу ташкилотларга инсонлар ихтиёрий равишда келадилар. Мактабларга ўқув юртларига кишилар ўз ҳаётий эҳтиёжлари билим олиш, касб ўрганиш, бирон бир мутахассисиликни эгаллаш учун борадилар.

Маданий-маърифий муассасаларга аҳолининг турли қатлами ўзининг маънавий талаб ва истакларини баён этиш ҳаваскорлик ижодини ривожлантириш, маданий дам олиш, ҳордиқ чиқариш, халқаро аҳволда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида содир бўлаётган воқеалар ҳақида

ахборотлар олиш, дўстлар, ўртоқлари билан суҳбатлашиш каби ҳаётий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун ташриф буюрадилар. Шунинг учун ҳам бу муассасаларда тарбиявий ишларни олиб бориш, тарбиявий жараёни бошқариш, кишиларга тарбиявий таъсир этиш ишлари анча мураккабдир.

Бу муассасаларда тарбиявий ишларни уюштириш учун даставвал аҳоли турли қатламларининг маънавий талаб ва истакларини маданий савиясини касби ва мутахассислигини оммавий ахборот воситалари орқали ва мустақил ўқиш натижасида янги билимлари даражасини ҳисобга олиш зарурдир.

Маданий-маърифий муассасаларда тарбиявий ишлар унинг қатнашчилари учун мунтазамлик ҳаракатига эга эмас. Чунки, уларнинг қатнашчилари мунтазам равишда ўзгариб туради. Бир тадбирда қатнашган киши иккинчи тадбирга қатнашмаслиги мумкин. Шунинг учун улар кишига мунтазам тарбиявий таъсир этиш имкониятидан маҳрум. Ўқув юртларида эса тарбиявий ишлар кишиларнинг маълум гуруҳи учун қатъий белгиланган режа ва иш шакллари, усуллари ёрдамида раҳбарнинг бевосита мунтазам таъсири остида олиб борилади.

Бу муассасаларда тарбиявий ишларни олиб боришда тарбиявий таъсир кўрсатилиши лозим бўлган кишиларнинг ижодий ташаббусига, уларнинг фаоллиги, ташкилотчилигига таянилади.

Маданий-маърифий муассасанинг ҳар бир тадбир қатнашчиси ҳам тарбияланувчи ҳам тарбиячи сифатида қатнашиш имкониятига эгадир. Ўқув юртларида эса тарбиявий таъсир этиш объекти ўқувчилар, талабалар ҳисобланиб, улар фақатгина тарбияланувчи сифатида намоён бўладилар.

Меҳнаткашларнинг маданий дам олиши, ҳордиқ чиқариши, бир-бирлари билан муносабатда бўлиши бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, ўз қизиққан соҳаси билан шуғулланиши, бу бевосита маданий-маърифий марказлар билан боғлиқ.

Маданий-маърифий муассасалар асосан қуйидаги турларга бўлинади: кутубхоналар, маданият ва маърифат марказлари, музейлар, маданият ва

истироҳат боғларидир. Кутубхоналар – маърифат ва ахборот воситалари, кироатхоналар демакдир. Маданият ва маърифат республика шаҳар, туман, маҳалла гузарлари, маданият уйлари саройлар киради. Маданий –маърифий ишларнинг олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан бири аҳоли турли гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ғоявий сиёсий, тарбиявий ишларни уюштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Турли миллатнинг меҳнаткашлари ўртасида маданий-маърифий ишларни уюштиришда энг аввало уларнинг тилини, ўзига хос хусусиятиларни, руҳиятини, турмуш- тарзини ҳисобга олиш зарурдир. Бу муассаса ходимлари аҳолининг доимо ўсиб келаётган талаби, эҳтиёжи ва қизиқишини ҳар томонлама қондиришга қаратилган, бўш вақтини оқилона ташкил этишни назарда тутган ҳолда ғоявий сиёсий, маданий –тарбиявий, оммавий тадбирларни уюштирадilar. Кишиларнинг ўзаро мулоқотини уюштириш турли туман ҳаётий масалалар ва сиёсатдаги кундалик долзарб муаммоларни эркин муҳокама қилиш йўли билан маданий-маърифий муассасалар жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Ҳозирги пайтда маданий-маърифий муассасаларнинг энг муҳим вазифаси- меҳнаткашларнинг дам олишини уюштиришдир. Бу муассасалар омманинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришини уюштиришда турмушимизда мавжуд бўлган турли анъаналар, урф-одатлардан кенг фойдаланилади. Улар оммани бўш вақтларини дам олиш соатларини мазмунли ўтказишга, маданий ҳордиқ чиқаришга имконият яратади.

Маданий-маърифий муассасалар олдига қўйилган вазифалар ва талаблар тарихий жараённинг ривожланиши натижасида вужудга келди ва мустақил мамлакатимизда бозор иқтисодиёти, халқ хўжалиги, фан натижасида гуркираб яънада такомиллашиб бормоқда. Маданий – маърифий муассасаларнинг вазифалари ва улар олдига қўйилган талаблар бир-бирини тўлдиради, тарбиявий ишларни таъсирчанлигини таъминлайди.

Маданий- маърифатчилик касби инсон фаолиятининг барча соҳалари сингари ўз хусусиятларига эга. Унинг энг асосий хусусияти- маданий-

маърифий ишларни ҳаёт билан мустақил ватаннинг ўзига хос миллий сиёсати билан мустаҳкам боғланганлигидадир. Маданий-маърифатчилик касбининг яна бир хусусияти шундан иборатки, у мунтазам изланишларни, ишга ҳамма вақт ижодий ёндашишни талаб қилади.

Маданий-маърифий ишлар педагогик фаолиятнинг бошқа турларидан ўзининг мазмунан мураккаблиги, кўп қирралилиги шаклан ниҳоятда хилма-хиллиги, иш шаклларининг ўзига хос тарзда бир-бирига чатишиб кетганлиги билан фарқ қилади. Бундан ташқари маданий- маърифий муассасаларда оммавий ахборот, санъат воситалари, техник ва омманинг ҳаваскорлигини, ижодий ташаббусини ташкил этишнинг ўзига хос усуллари ҳам қўлланилади.

Маданий- маърифий ходим барча тарбиячи педагоглар қатори – тарбиянинг ҳамма йўналишлари, ақлий, меҳнат, ахлоқий, эстетик масалалар билан шуғулланади. Лекин, у бундан кўп қиррали тарбиявий ишларни мактаб ва бошқа ўқув юртлари ўқитувчилари фаолиятида бўлганидек, асосан бир хил ёшдаги бир хил тайёргарликка эга бўлган ўқувчилар ёки талабалар билан эмас, балки ёши, касби, билим даражаси, қизиқиши ва эҳтиёжлари турлича бўлган кишилар орасида олиб боради. Бу касб эга олдида омма ўртасида билим тарқатиш, одамларнинг маънавий эҳтиёжини қондириш, қобилият ва истедодларини ўстиришда уларда ёрдам бериш, меҳнаткашларнинг маданий хордиқ чиқаришини уюштириш каби вазифалар қўйилган.

Билимлар тарғиботчиси, омманинг мустақил ўқиб билим олишининг ташкилотчиси ҳисобланган маданий-маърифий ходим юксак даражадаги дунёқараш маданиятини, яъни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва фалсафий билимлар мажмуини эгаллаган бўлиши керак.

Маданий-маърифий ходим учун энг илғор бўлган билим тармоқларидан бири – бу педагогик билимлар бўлиб, у олиб бориладиган таълим ҳамда ғоявий тарбиявий ишларнинг мазмуни ва моҳиятини чуқур тушуниб олишда, одамларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг йўллари ва воситаларини бўш вақт шароитида одамлар ўртасида ўзаро мулоқат ўрнатишнинг энг самарали

усулларини ўзлаштириб бориш, улардан оқилона фойдаланиш йўлларини ўрганишда ёрдам беради.

Одамларда ҳавас уйғота олиш уларнинг билишга бўлган қизиқишларини тўлароқ қондира билиш санъатдир. Бу санъат педагогик одобни эгаллашни таълим –тарбия ишларини уддалай билишни талаб қилади. Бундай билим ва кўникмалар асосида маданий-маърифий ходимнинг педагогик маҳорати шаклланади, унинг тарбиячилик истеъдоди ва қобилиятлари ўстирилади.

Маданий-маърифий ходим малакавий маданиятнинг яна бир кўрсаткичи- бу психологик билимлардир. Фақат психик қонуниятларнинг чуқур ўзлаштириши, ишни уюштиришда қатнашчиларнинг индивидуал – психологи хусусиятларини ҳисобга олиш асосидагина тарбиявий жараёни тўғри уюштириш ва унинг самарали бўлишини таъминлаш мумкин.

Бу соҳадаги ходим ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш вазифасини бажаришда одамларнинг ғоявий, ахлоқий ва эстетик тарбиялашнинг кучли воситалари бўлган санъат ва адабиётдан кенг фойдаланилади. У ҳар бир кишида унинг ўзига хос қизиқиши бўлиши кераклигини, бусиз ҳаёти зерикарли бўлишини тушунтиради.

Маданий-маърифий ходим - педагог, тарбиячи, одамларнинг ақл идроки ва қалбига йўл топиш учун курашувчи шахсдир. У оммани сиёсий, ғоявий, иқтисодий, санъат ва адабиётни тарғиб қилиш орқали тарбиялайди. Бундай вазифаларни бажариш учун соҳа ходимиға меҳрибонлик ва раҳимдиллик, мулойимлик ва хушмуомалалик каби хислатлар умуман, маданий-маърифий фаолиятнинг юксак даражада самарали бўлишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Маданий-маърифий ходим учун энг зарур ҳарактер хислатлари- бу одамларга диққат ва ҳайрихоқона муносабатда бўлиш камтарлик ва ўзига талабчанликдир. Бу хислатлар маданий-маърифий ходимнинг одамлар билан яқинлашишиға уларнинг қалбига йўл топишиға ёрдам берадиган фазилатлардир. **“Камтарлик кишини безатади”**, - дейди халқимиз. Агар мураббий кеккайган, мақтанчоқ, барча ишларни ўз хизмати қилиб

кўрсатадиган, бунинг устига яна мунофиқ бўлса, ундан ҳамма касбдошлари бошқалар ҳам юз ўгиради. Шунинг учун ҳам халқ педагогикаси ўзига юксак даражадаги талабчанлик, ҳақиқий оддийлик, тарбиячиликнинг ахлоқий тарбиячининг ахлоқий қиёфасини безайди деб ўргатади.

Маданий-маърифий муассасалардаги тарбиявий ишларнинг таъсирчанлигини оширадиган омиллардан бири- бу ходимнинг одоби. Маданий-маърифий ходимнинг педагогик одоби- бу унинг муайян вазиятда шахсга ва жамоага тарбиявий таъсир этишнинг маданий-маърифий мақсадга мувофиқ усуллари ва йўллари қулай билишдир. Одобиликнинг ривожланиши маданий-маърифий ходимнинг умумий маданияти, шахсий сифатларига боғлиқ бўлади. Педагогик одоби аввало одам билан муомила қилишда у билан самимий ростгўй бўлишда намоён бўлади. Одам туғилгандан токи кексайгунга қадар ривожланишда давом этар экан, бу жараён асосан муҳит ва тарбия таъсири остида ўтиб боради. Одам фақат ёшлик даврида эмас, балки кейинги бутун ҳаёти давомида ҳам тарбияланади. Маданий-маърифий муассасалар ўз олдига кутубхона, музей, маданият уйларига хос бўлган воситалар усуллар ёрдамида катталар ва ёшларнинг бўш вақтларини оқилona ташқил этиш, маданий дам олишни уюштириш, уларни янада илмли қилиш, мустақиллик, миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялаш каби вазифаларни қуяди.

Маданий-маърифий муассасаларга ўз билимини ошириш мақсадида келадиган кишиларнинг асосий маълумотини, ижтимоий меҳнат тажрибасини характерининг хилма-хиллигини ҳисобга олиб, уларнинг билишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шакллантириш, ривожлантиришнинг энг тўғри ва самарали йўллари ишлаб чиқишда бу соҳа ходимларидан катта ғайрат ва шижоат талаб этилади.

3.2. Маданий-маърифий муассасаларда ёшларнинг маданий-хордиқий тадбирларини уюштириш масалалари.

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг унуб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Ислом Каримов

Бугунги ёшлар эртага жамиятимизнинг тақдирини белгиловчи авлоддир. Биз бугун ёшларга қандай тарбия берсак, бизнинг келажагимиз ҳам ушундай бўлади. Ёшларни келажакка муносиб тайёрлаш, уларга яхши таълим бериш, уларни меҳр-оқибатли, илмпарвар саҳрватли, меҳнатсевар, ватанпарвар, одобли, ахлоқли қилиб вояга етказиш жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоғи лозим.

Болалар тарбияси билан оила, болалар боғчаси, мактаб ва бошқа билим юртлари шуғулланиши барчага маълум. Бироқ уларнинг, айниқса, билим юртларининг тасарруфидан ташқарида ёшларнинг ўқишдан, ишдан ташқариги бўш вақти қолмоқда. Бўш вақтда эса болалар хоҳлаган нарсалари билан шуғулланмоқда. Бекор қолган болаларнинг муайян қисми салбий оқибатларга олиб келувчи «фаолиятлар» билан ҳам машғул бўлишмоқда.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда маданий-маърифий муассасалар (айниқса, клуб, маданият саройи, маданият уйи кабилар)нинг имконияти каттадир. Ўқув юртлари, асосан, болаларга билим-таълим бериш билан шуғулланса, маданий-маърифий муассасалар уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишга кўмак беради. Бироқ, жойлардаги маданият муассасалари аҳолининг барча қатламлари учун умумий тадбирлар тайёрлашмоқда. Улар ёшларнинг эҳтиёжи, қизиқиши ва уларнинг руҳиятига мос тадбирларни тайёрлашга алоҳида эътибор беришмаяпти. Натижада маданий-маърифий муассасаларнинг ёшларни маънавий, ахлоқий, руҳий, бадий тарбиялаш борасидаги фаолияти керакли даражадан паст бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда ёшларнинг бўш вақтини самарали, ижтимоий фойдали қилиб уюштириш махсус тадқиқотларга молик муаммолардан бири бўлиб, у олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан жиддий эътиборни кутиб турибди. Бу борадаги маданий-маърифий муассасалар тажрибаси махсус ўрганишни, умумлаштиришни, таҳлил ва тарғиб қилишни талаб қилмоқда.

Биз қуйидаги қўлланмада юқорида қайд қилинган муаммолардан келиб чиқиб, маданий-маърифий муассасаларда ёшлар учун махсус тадбирлар тайёрлаш масалаларига тўхталамиз. Мазкур матн Маданият институтининг «Ижтимоий-маданий фаолият» факультети ва «Маданий дам олиш ташкилотчиси» бўлимлари талабаларига ўқув-услубий қўлланма сифатида яратилган.

Маданий-маърифий фаолияти муассасалари ёшларнинг севимли маскани сифатида маънавий-маърифий, ғоявий-сиёсий, бадиий ҳаваскорлик ишларни ва бўш вақтини мазмунли уюштиришда муҳим роль уйнамоқда.

Маълумки, клуб муассасалари ўз фаолиятларини ёшларнинг бўш вақтида олиб боради. У ёшларни асосий иши, ўқишдан ташқари ҳар хил мазмун ва шаклдаги «иккинчи» фаолият билан шуғулланишларига имконият яратади. Бу кунгилли фаолият ёшларнинг ҳордиқ чиқаришга, билимни, дунёқарашини ўстиришга, ижодкорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Хуллас, клуб муассасалари, ёшлар учун қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Маънавий-маърифий ишларни олиб бориш.
2. Ҳаваскорлик ижодини уюштириш.
3. Маданий дам олишни ташкил қилиш.

Клубларда ёшлар учун тадбирлар уюштиришдан олдин маҳаллий ёшларнинг:

- маънавий эҳтиёжлари,
- қизиқишлари,

- билим даражалари, касби,
- маданий савиялари,
- ижодий имкониятлари,
- вақт бюджети ва бўш вақти,
- ташаббускорлиги ва уюшқоқлиги

каби кўплаб омиллар ҳисобга олинмоғи даркор. Акс ҳолда клубда тайёрланадиган тадбирлар ёшлар учун қизиқарли бўлмай қолади. Мазкур омилларни ҳисобга олиш, ўрганиш, билиш учун ёшлар ўртасида ёзма ва оғзаки сўровлар, сўхбатлар, кўзатишлар ўтказилиши лозим. Сўровларда ёшларга:

- 1) қайси мавзулар,
- 2) қандай шакллар (тадбирлар),
- 3) қайси таъсирчан ғоявий-бадий ва техник воситалар ёқишини ўрганмоқ лозим.

Ёшларни қизиқтирган мавзуларни муайян мантикий тизимга солиб, уларнинг мазмунига мос шакллар танлаб, ёшлар учун махсус тадбирлар режасини тузиш лозим.

Замонавий ёшларни қуйидаги мавзулар қизиқтириши мумкин:

1. Тарихий мавзулар.
2. Миллий қадриятлар.
3. Халқ анъаналари.
4. Одоб, ахлоқ.
5. Кийиниш маданияти.
6. Дўстлик ва дўстликни сақлаш.
7. Қизлар ва йигитлар муносабатлари.
8. Муҳаббат, севиш ва севилиш.
9. Бўш вақтни фойдали ўтказиш.
10. Меҳмондўстлик.
11. Озодагарчилик ва тозалик.
12. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик оқибатлари.

13. Оила файзи ва ҳоказолар.

Клуб ходимлари ёшларни қизиқтирган мавзуни мантикий тизимга солганидан сўнг. Уларга қандай шакллар-тадбирлар ёқишини ҳам аниқлаш керак. Клуб муассасаларининг иши, шакллари эса кўп ва ранг-барангдир: маъруза, маънавий мулоқот, доклад, ахборот, суҳбат, семинар, мунозара, конференция, ижодий учрашувлар, савол-жавоб кечалари, оғзаки, журнал, кеча, концерт, спектакль, оммавий томоша, халқ сайллари, байрамлар, карнаваллар, ракс кечалари, фестиваль, дискотекалар, экскурсия, маданий сайр, викторина, кўргазма, кўрик-танлов ва ҳоказолар.

Айтайлик, ёшлар кўпроқ дам олиш кечалари, ижодий баҳс, учрашувлар, дискотека, эстрада концерт, театрлашган томоша, халқ сайллари, саёҳат каби шаклларни танлашди. Клуб ходимлари кўпроқ ана шу шакллардан фойдаланмоғи керак.

Ёшларни қизиқтирган шакллар аниқлангандан сўнг, клуб ходимлари маҳаллий жойдаги ёшлар қўмитаси билан биргаликда йиллик тадбирлар режасини тузилади. Режада тадбир ўтказиладиган сана, тадбир номи, шакли, ўтказилиш жойи ва жавобгар шахслар кўрсатилади.

Тадбирлар режаси ёшлар эҳтиёжи ва маҳаллий шароитдан келиб чиқиб бойитилиши ёки ўзгартирилиши мумкин. Қандай бўлмасин маҳаллий маданият уйи ва ёшлар қўмитаси билан режалаштирилган тадбирлар ёшларни қизиқтириш, мавзуга жалб этиш лозим. Вақт ўтиши билан клуб тадбирлари ҳам ёшлар синовидан ўтади. Шундан келиб чиқиб келгуси йилги режада қайси тадбирларга кўпроқ, эътибор беришни ҳаётнинг ўзи кўрсатади.

Ёшлар учун тадбирлар тайёрлаш маъсулиятли ва мураккаб жараёндир. Биз мазкур ишда фақатгина унинг айрим томонларига диққат жалб этиб, ёшларни маданий дам олиши, ёшлар клуби ва ёшлар сайлини ташкил қилиш масалаларига тўхталамиз холос..

«Бўш вақт — ижтимоий бойлик» дейишади. У инсоннинг қобилиятларини такомиллаштириши, билим олиши, маънавий камол топиши, жисмоний ривожланиши учун хизмат қилади. Бўш вақтдан самарали фойдаланиш бу биринчидан, меҳнат унумдорлигини ошириш, иккинчидан, кишиларнинг ишда сарф бўлган кучини тиклаш, учинчидан, соғлиқни мустаҳкамлаш, руҳиятни тетиклаштириш демакдир.

Маданий дам олиш жараёни деярли барча клуб тадбирларида содир бўлади. Бироқ, клуб шундай тадбирларни ташкил қиладики, уларда ёшларнинг мазмунли дам олиши, хордиқ чиқариш асосий вазифа қилиб қўйилади.

Дам олиш тадбирларида ёшлар, биринчи навбатда, мазмунли дам олсалар, иккинчи навбатда, ўзлари қизиққан соҳа бўйича ва ҳар хил фойдали маълумотлар олиш имкониятларига эга бўладилар.

Республика маданий-маърифий муассасалари, жумладан, клуб, маданият ва истироҳат боғлари ёшларнинг бўш вақтини уюштиришда, уларни ҳар хил бадиий ҳаваскорлик тугараклари ва уюшмаларига жалб этиб, турли байрамлар, театрлашган томошалар, сайллар, дам олиш кечалар, рақс кечалари каби турли тадбирлар ташкил қилиш борасида яхши тажриба тўплашган.

Маданий-маърифий муассасаларда ёшлар бўш вақтида қатнашадиган тадбирлар доираси анчагина кенг. Улар орасида мулоқотли, кунгилочар - «Дам олиш кечаси», «Шанба оқшомида», «Кулги кечаси», «Дўстлик кечаси», «Қизлар даврасида» кабилар; Санъат билан боғлиқ бўлган - «Шеърят кечаси», «Достон кечаси», «Қўшиқ ва рақс оқшоми», «Мусиқ;а оҳанги», «Театр кўзгуси» кабилар; Байрамона дам олишга оид сайллар - «Бог сайли», «Тоғ сайли», «Лола сайли» кабилар;

Халқ ўйинлари, мусобақаларга бой «Соғлиқ - туман бойлик», «Азалий ўйинлар» каби тадбирлар кенг шўҳрат қозонган.

Маданият ва истироҳат боғлари ва клубларида уюштириладиган тадбирлар фойдаланилган воситалар турли тавсия характерида бўлиши

мумкин. Айниқса, маърифий-ҳуқуқий, муסיқали-рақсли ва бадий-адабий тавсифдаги тадбирларни ташкил қилиш яхши натижа беради. Маърифий-хордиқли тадбирлардаги янги ахборотлар, маълумотлар, билимларни олиш, хордик, чиқариш жараёни билан чамбарчас боғланиб кетади. Одатда бундай дастурлар икки қисмдан ташкил топади: биринчи бўлимда ёшларни қизиқирадиган мавзу танланиб, бунда ахборотлар бадий шаклда томошабинларга ҳавола қилинади. Кўпинча бу қисмга одамларни уйлантирадиган ва ҳаяжонга соладиган муаммолар ҳам олинади. Дастурнинг иккинчи қисмида эса мароқли дам олиш учун унлаб турли қизиқарли ўйинлар, топишмоқлар, викториналар, қўшиқлар ва ҳоказолар фойдаланилади. Муסיқали-рақсли тадбирлар, асосан, муסיқа, ашула ва албатта рақслардан ташкил топади.

Бундай тадбирларда бу санъат турларининг энг яхши намуналари тарғиб қилинади. Унда энг яхши рақс учун муסיқа билимдонлари ва сеvimли қўшиқ ижроси учун омма ўртасида танловлар ўтказилиши мумкин. Муסיқали-рақсли тадбирларни икки тури бор, уларнинг бири кичик аудитория учун мўлжалланиб, ундан муסיқа фонотекасидаги техник воситаларидан фойдаланилади, иккинчисига эса кичик эстрада ансамбли таклиф қилиниб ўтказилади. Шунингдек, муסיқа-рақс дастурлари ўзбек ва чет эл муסיқаси, рақс санъатига бағишланиб, унга машхур композитор-бастакорлар, ашулачилар ва рақс усталарини таклиф қилиш мумкин.

Муסיқали-рақсли тадбирларнинг асосий вазифалари санъатни тарғиб этиш, ёшларни муסיқа ва рақс ижодига ошно қилиш, уларга маънавий озука бериш.

Бадий-адабий тадбирлар - адабиёт ва санъат жанрларидан ташкил топган дастурлардир. Бундай тадбирларда бадий-эмоционал воситалар: бадий сўз, шеър, монолог, қўшиқ, ашула, рақс кабилар муайян мазмунга боғланиб театрлаштирилади. Адабий-бадий тадбирлар фойдаланадиган воситаларга бой бўлгани учун, улар одатда ижтимоий-фалсафий

муаммоларга ҳам бағишланиб, ёшларни тарбиялашда катта роль уйнайди. Бундай тадбирлар ташкил қилишда ташкилотчилар билим доираси, дунёқараши, қобилиятлари ва ташаббускорлиги муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ёшларнинг маънавий камолотига эътибор бериш, келажак авлодни тарбиялаш мақсадида халқ анъаналари ва қардош халқлар тажрибаси асосида жойларда ёшлар талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб махсус сайл ўтказилса яхши булар эди. Ёшлар сайлини - 24 апрель Ёшларнинг халқаро бирдамлик куни, ёки 10 ноябрь - Бутун_жаҳрн ёшлар куни ёки маҳаллий шароитга қараб бошқа кун уюштирилса бўлади. Байрам бошланишидан олдин мактаблар, тарбия муассасалари, ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида махсус тайёргарлик кўрилади.

Маҳаллий ёшлар қўмиталари турли тадбирлар, жумладан, ёш рассом, ёш қўшиқчи, ёш шоир, ёш рақосса танловларини режалаштирса бўлади. Байрамнинг очилиш қисмида ёшлар қўмитасининг раиси, котиблари, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари, ёшлар ҳайъати, фаолияти ҳақида сўзлайдилар, уларга ўз истакларини билдиришади. Сўнг катта сайл бошланади. Унда ҳар бир ўқув юрти ўз ижоди, санъатини намойиш қилади.

Ёшлар ўртасида қизиқарли ўйинлар ва спорт мусобақалари ўтказилади. Чунончи, «Балли, йигитлар» ва «Балли, қизлар» каби танловлар ҳам ташкил қилинади.

Байрамнинг охириги қисмида кўрик-танлов ғолиблари тақдирланади, уларга бағишланиб кўй ва қўшиқлар ижро этилади. Бўш вақтда ёшлар учун нафақат маданият ходимлари, балки ёшларнинг ўзи ҳам маданий дам олиш тадбирларни ташкил қилса бўлади.

Бунинг учун маданият муассасаларда ёшлар тўпланадиган, сўхбатлашадиган, ижодий эҳтиёжларни қондирадиган махсус шароитлар яратмоғи лозим.

Бу борада «Ёшлар хоналари», «Ёшлар клублари», «Ёшлар ижодий гуруҳлари» каби тажрибалардан яхши фойдаланса бўлади. Айниқса, маданият ўйи қошида кенг қамровли фаолият олиб борувчи «Ёшлар клуби» ташкил қилиш ижобий натижа бериши мумкин. «Ёшлар клубининг аъзолари ўзларининг маънавий эҳтиёжи, талаби, қизиқиши асосида турли шаклдаги мароқли ва мазмунли тадбирларни уюштириши мумкин. Шунингдек, улар нафақат ўзларининг, балки маҳаллий ёшларнинг маданий дам олишига ёрдам бериши диққатга сазовордир.

«Ёшлар клуби»ни ташкил қилиш борасида қуйидаги методик маслаҳатларни тавсия этса бўлади: «Ёшлар клуби» махсус режа ва дастурлар тузиб, иш олиб боради, клуб аъзолари дам олиш кечаси ташкил қилиб, унта ҳар гал янги жамоа аъзолари, ёш ишчилар, талабалар, юқори синф ўқувчилари ва бошқаларни таклиф қилса бўлади. «Ёшлар клуби»га, албатта, раис, ташкилотчи ва бўлимга жавобгар шахслар сайланиши керак. Клуб раиси - умумий раҳбарлик қилиб, йиғилиш ўтказиладиган жой ва вақтни режалаштиради. Раисга ёрдамчи - махсус ташкилотчи ҳам белгиланади. Энг қизиқарли ишни бадий қисмга жавобгар шахс олиб бориши мумкин. У ҳар бир йиғилишнинг бадий программасини тузади. У уюшма аъзоларнинг ижодий қобилиятларидан келиб чиқиб, шеър, ҳикоя, ашула, аския, латифа, топишмоқли уйинларни ким ва қачон айтишини белгилайди. Бундай раҳбар ишнинг диққатига сазовор томони шундаки, у уюшма аъзоларининг у ёки бу соҳадаги ижодий қобилиятини очади. Уюшма аъзолари риоя қилиши шарт бўлган «Низом» қабул қилиниши -бу интизом ишларини яхшилашга асос бўлади. Интизомга жавобгар шахс - бу ишларни назорат қилиши билан бирга, йиғилиш бўладиган жойни тартибга келтиради.

«Ёшлар клуб»ларининг фойдали томонлари шундаки, у энг аввало, бшларни яхши ҳордиқ чиқаришга, мулоқот, сўхбат натижасида маънавий бойишга, ижодий қобилиятларини намоиш қилиш ва ривожлантиришга кўмак беради.

«Ёшлар клуби» фаолиятини уюштириш ва уларни ижтимоий фойда келтирадиган даражада ташкил қилишга ёрдам бериш - бу маҳаллий маданият муассасаларининг жиддий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ёшларнинг равнақи учун кенг имкониятларга эга бўлган бўш вақтдан самарали фойдаланишда маданий-хордикий тадбирларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир.

Ёшлар учун махсус тадбирлар тайёрлашда маданий-маърифий муассасалар ва ёшлар кўмитаси ҳамкорликда фаолият олиб боргандагина яхши натижаларга эришилади.

Ташкилотчилар ёшлар учун тадбирлар уюштираётганида анъаналар, тажрибалардан фойдаланиш билан бир қаторда янгилик, ижодкорлик, ташаббускорликка алоҳида эътибор бермоқлари зарур. Ёшлар ижод ва янгилик шайдоси эканлигини унутмаслик керак.

Шуни қайд қилиш керакки, турли жойда ёшларни вақти, эҳтиёжи, қизиқиши ҳар хил бўлиши мумкин. Бир ҳудудда шўхрат топган тадбир, бошқа жойда қизиқиш уйғотмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар жойнинг ўз тадбирини топишга интилиш керак.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чуқур маъноли, мазмунли ва шаклан гўзал ва қизиқарли тадбирлар кўпчиликка ёқар экан. Жойларда ёшларнинг маданий дам олишини уюштиришда тадбирнинг моҳияти, мазмуни ва ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор бериш керак. Шунингдек, ёшлар учун тадбирлар ташкил қилишда маҳаллий шароит, маданият муассасаларининг моддий, маънавий, бадий ва техник имкониятларидан ҳамда бадий ҳаваскорлик жамоаларининг ижодидан самарали фойдаланмоқ лозим.

III-боб бўйича хулоса.